БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 158 (17.440). • 12 июль 1979 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

«КОСМОС-1113» ПАРВОЗДА

1979 йил 10 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1113» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

СУВЧИ—ПАХТА ДАЛАСИНИНГ ЗАРГАРИ

Шу кунларда сувчиларнинг меҳнати алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда ғўзаларни озиқлантириш билан бир вақтда ниҳолларни қондириб суғориш, ерда етарли нам сақлаш асосий вазифадир.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

ГЕКТАРИДАН 50 ЦЕНТНЕР

Тўртқўл районидаги «Намуна» колхози Қорақалпоғистон автоном республикасидаги кўп тармоқли машъал хўжаликлардан ҳисобланади. Яқинда махсус мухбиримиз шу хўжаликда бўлиб, колхоз раиси, икки марта Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Каримберди ОТАЖОНОВ билан суҳбатлашди. Хўжалик раҳбари колхозда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Олтин қўлли пахтакорларимиз, механизаторларимиз, йирик хўжалигимизнинг барча аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг даъватқор Мурожаатини қизғин кутиб олдилар. Бизлар учун асосий қўлланма бўлиб қолган бу муҳим ҳужжат дастлаб бригадаларда, кейин колхоз правлениеси йиғилишида ишлаб чиқилди. ғўзанинг авж олишини жадаллаштириш бўйича аниқ режалар белгиланди.

Мурожаатда айтилганидек, ҳар бир ғўза тупини сақлаб қолиш, ниҳолларнинг энг мақбул қалинлигини вегетация охиригача таъминлаш, намунали парвариш қилиб, ғўзанинг авж олишини жадаллаштиришга эришиш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир. Шу мақсадда культивациянинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз, илғор пахтакорларнинг тажрибасига амал қилган ҳолда ғўза қатор ораларидаги тупроқнинг чуқур юмшатилишига ва майдаланган бўлишига эришмоқдамиз. Суғоришдан кейин тупроқ етилиши биланоқ унга ишлов бермоқдамиз.

«Бутун далада тупроқнинг бир текис намланишига эришмоқ учун кўп ўқариқли калта-калта жўякларда группа усулида суғориш лозим. Бу — тупроқнинг бир вақтда етилишини ва культиваторлар учун доимий иш фронтини таъминлайди», — дейилади Мурожаатда. Жуда ҳаққоний фикр. Бизда айнан шундай қилинаётир.

Коллективимиз ҳозирда 700 гектар майдондаги ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Гектаридан планда кўзда тутилган 43.7 центнер ўрнига 50 центнердан пахта ҳосили олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Улкан хирмон бунёд этиш мақсадида социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Бригадалар, механизаторлар, сувчилар ўзаро беллашиб ишлашмоқда. Иш сифатини текшириб борувчи махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Унга мутахассислар, тажрибали механизаторлар ва сувчилар бириктирилган. Мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалиб, ғолибларга кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар билан бирга қимматбаҳо моллар, пул мукофотлари берилиб борилянти.

Энди ўзаро мусобақада пешқадамлик қилиб келаётган коллективлар, пешқадам механизатор ва сувчилар ҳақида сўзлаб ўтайлик. Камолиддин Носиров 25 йилдан буён йирик бригадага бошчилик қилади. Ўтган йил бу коллектив гектаридан 58 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олган эди. Бу йил эса 60 центнерлик маррани кўзлашмоқда. Салкам йигирма йилдан буён механизаторлик касбини улуғлаб келаётган Ҳакимбой Йўлдошев ғўза парваришида алоҳида ўрнак кўрсатяпти. У ҳар куни 7—3 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига кенг, чуқур ишлов берётир. Коммунист Ҳакимбой Йўлдошев ўтган йили ўз агрегати билан 400 тонна пахта териб бериб, Қорақалпоғистон автоном республикаси механизаторлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу йилги терим фаслида ҳам ғолиблиги кўлдан бермоқчи эмас. Донгдор механизатор меҳнатлари улкан зафарлари учун Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси томонидан «Москвич-412» автомашинаси билан мукофотланди.

Ленин ордени кавалери, коммунист Тўхта Ёқубова, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Раҳматулла Саидов, коммунист Сафарбой Бозорбоев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг далаларидаги ғўзалар ҳам яхши ривожланмоқда. Бу коллективлар гектаридан 55—60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун кураш олиб бораётир.

Ўтган йили кўл бўлиб ётган 50 гектар жойни ўзлаштириб, бир бригада ташкил этган эдик. Унга тажрибали деҳкон Жума Айитов бошчилик қилиб, гектаридан 30 центнердан пахта етиштирди. Бу йил эса 40 центнерлик марра кўзланмоқда.

Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Асанбой Бекторов раҳбарлик қилаётган бригада ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб ўтайлик. Аҳил коллектив 80 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Унинг 50 гектарида маккажўхори. 30 гектарида ғўза ўстирилаётир. Маккажўхори сўталай бошлади. Гектаридан 110 центнердан дон олишга аҳд қилган бригада азаматлари ўсимликни яхши парвариш қилмоқдалар. Кенг майдонлардаги ғўзалар эса ёппасига шоналади. Мажбуриятлари — гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишдан иборат. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришда моҳир механизаторлардан Мирзабек Қаловов билан Ўринбой Қўчқорбековлар фаоллик кўрсатмоқда. Маккажўхори ва ғўзани оби ҳаётга қондириш ишларида эса Толма Темирова, Роҳила Жургенова, Ғани Есетов, Серсангул Бўстонова, Райбек Муротбеков каби моҳир сувчилар ғайрат қилишмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, хўжалигимизда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам тобора ривожланиб бормоқда. План бўйича бу йил 265 тонна сут етиштиришимиз керак эди. Ҳозиргача 150 тоннадан зиёд сут етиштирилди. Сут соғувчилар ўртасидаги социалистик мусобақада СССР Олий Советининг депутати, комсомол аъзоси Онажон Файзиева пешқадамлик қилмоқда. У ўс боқимдаги 35 бош сигирнинг ҳар бошидан бу йил 3700 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган.

КПСС XXV съезди тарихий қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб бораётган шонли коллективимиз пахтачилик, чорвачилик ва бошқа соҳалар бўйича зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Сирдарё области. Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхози деҳқонлари 4354 гектар майдондаги ғўзани меҳр билан парвариш қилишаётир. Ғўзалар икки марта маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилди, тўрт марта ишловдан чиқарилди .Пахтазорларда 70 та чопиқ трактори унум билан ишлатилаётир. 310 сувчи экинларга обиҳаёт тарамоқда. Суратларда: юқорида шу совхознинг 6-бўлими моҳир механизатори Улашбой Мингбоев. Пастда — бўлим далаларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотолари.

Ғўза парвариши илғорлари

ДАҚИҚАЛАР ҒАНИМАТ

ЗИРАБУЛОҚ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Нарпай каналининг чап томонидаги кенг даштда ташкил топган Ислом шоир номли совхоз деҳқонлари насослар орқали чўлга сув чиқариб, бу йил тўртинчи марта пахта етиштиряптилар. Чўлқуварлар ўтган йили ҳар гектардан 23,8 центнердан пахта етиштириб халқ хўжалик планини ошириб бажаргандилар. Улар бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта, беда, маккажўхори экинлари майдонларини кенгайтириб, ҳосилдорликни янада ошириш га аҳд қилганлар. 3177 гектар ердаги чигитни Нарпай район хўжаликлари орасида биринчи бўлиб ўз вақтида текис ундириб олдилар. Кўкламги об-ҳаво қийинчиликларига карамай, тўла гектарлар бўлишга эришилди. Ана шу майдондан қариб 10 минг тонна «оқ олтин» ундириш учун ҳамма бўлим ва бригадалардаги ишчилар ҳамда механизаторлар ҳар бир дақиқани ғанимат билиб меҳнат қилмоқдалар. Ғўза қатор ораларини сифатли юмшатиб, озиқлантиришни қизғин давом эттирмоқдалар.

Совхознинг Очил Зайниддинов бошқараётган учинчи бўлими янги ўзлаштирилган 412 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқда. Ғўзалар сифатли парвариш қилинянти. Ҳамма культиваторларга «СУЗ» аппаратлари ўрнатилган, қатор оралари кенг ва нормал чуқурликда юмшатилиши билан ғўза ниҳоллари бир йўла озиқлантириб борилянти. Шу бўлимдаги механизатор Ориф Аҳмедов бошлиқ бригадада шундай иккита культиватор ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бирига тўрттадан «СУЗ» аппарати ўрнатилган. Ҳар иккки культиватордаги «СУЗ» аппаратларини галвирдан ўтказилган чиритилган маҳаллий ўғит билан таъминлаш учун бригада аъзоси Шомил Абдуллаев ажратилган. У ўғитни эгат бошига етказиб бериб турибди.

— Бу йилги шароитда, — деди бригада бошлиғи Ориф Аҳмедов, — ерни маҳаллий ўғит билан мумкин қадар тўйдириш талаб этилади. Маҳаллий ўғит ерга канча кўп тушса, шунча яхши бўлади. Чунки кўкламдаги кучли ёмғир, дўл ва селлар натижасида ер қотиб кетди, тупроқ ҳалдан ташқари зичланиб қолган. Хусусан, чиритилган гўнг тупроққа тез таъсир этади. Шуни ҳисобга олиб, тупроққа кўпроқ чиритилган маҳаллий ўғит аралаштириш тадбирларини кўрмоқдамиз. Бир гектар картани ҳам «СУЗ»сиз культивация қилмаяпмиз.

Бригада аъзолари 87 гектар ердаги ғўзани икки марта озиқлантиришди. сувчилар оби ҳаёт таратди. Универсалчи Самад Маликов билан Эгамберди Аннақулов «СУЗ» аппарати ўрнатилган культиваторларни бошқариб, ғўза қатор ораларини юмшатиш, ўғитлаш ва эгат олиш кунлик нормасини ошириб бажармоқдалар. Ҳар иккиси бешинчи разряд бўйича иш бажариб, кунига 25 сўм ва ундан ошириб иш ҳақи туширяптилар. Сифатли культивация қилинганлиги туфайли пайкалларда бирорта бегона ўт кўринмайди. Ғўзалар эса шоналай бошлаган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Туробов бошқараётган тўртинчи бўлимда ҳам ғўза парвариши яхши олиб борилмоқда. Бўлим бақодирлари 640 гектар ерда ғўза ўстирмоқдалар. Бўлимдаги 7 та бригада бўйича 17 культиватор ғўза қатор ораларида юрибди. Шу кунларда 30 сувчи ғўзани суғорянти. Бўлимдаги донгдор механизатор, СССР Олий Совети депутати Усмон Мамадиёров бошлиқ бригадасида ғўза парвариши янада юқори сифатли ўтказилмоқда.

Совхозда ғўзани парваришлаш, озиқлантириш, ерга кўпроқ маҳаллий ўғит солиш учун муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Молхоналардан, кўшни «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» қорақўлчилик совхозининг отларидан кўй қийи ташиш ва тўплаш учун алоҳида бригада ташкил қилинди. Бу бригадага 20 та теленка ва бошқа транспорт воситалари сафарбар этилди. Кунлик ва беш кунлик маҳаллий ўғит тўплаш графиклари тузилиб, уни бажаришга катта эътибор берилмоқда. Бу йилги пахта ҳосили учун совхозда камида 10 минг тонна ўғитни ерга чиритиб солиш кўзда тутилмоқда.

Чўлқуварларнинг фидокорона меҳнатини такдирлаш учун совхоз маъмурияти алоҳида тадбирлар кўрмоқда.

Л. ЭРГАШЕВ.

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИНСИН

Урта Осиё республикалари, Қозоғистон, Россия Федерациясининг бир қанча область ва ўлкалари прокуратура раҳбар ходимларининг кенгаши Тошкентда икки кун давом этди. Кенгашда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ масалалар қараб чиқилди. СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. М. Рекунков доклад қилди.

Кенгаш иштирокчилари тажрибаларни ўртоқлашдилар, прокуратура органлари ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тадбирларни белгиладилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрининг ўринбосари ўртоқ Салоҳиддин **Абдукаримови** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг сув хўжалиги ташкилотларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари ўртоқ Павел Федорович **Шуткони** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПЛАН ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

УРГУТ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Самарқанд область, Ургут районидаги Жданов номли совхоз чорвадорлари ем-хашак жамғаришни тобора жадаллаштирмоқдалар. Хўжаликда учта бригада хашак тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Уларга тегишли ишчилари ва техника воситалари ажратиб берилган. Бу ишда Т. Сиддиқов бошлиқ бригада аъзолари, айниқса, ибрат кўрсатмоқдалар. Бригадада 380 центнер бедазор сифатли парвариш қилиниб, ҳозирдаёқ икки ўрим ўтказилди. Биринчи ўримда гектаридан 80 центнердан ҳосил олинган эди. Иккинчи ўримда ҳам шундай натижага эришилди. Шу туфайли совхозда сенаж бостириш плани ошириб самаралди. Сенаж ўраларига 2710 тонна ўрнига 3100 тонна беда бостирилди.

Совхоз ғаллазорларида сомон йиғиштириш ҳам юқори даврон эттирилмоқда. Чорвадорлар камида 2 минг тонна сомон жамғариш учун курашишяпти.

Бу йил совхозимиз пахтакорлари янги ўзлаштирилган 1000 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Шундан 621 гектар майдонда ғўза ўстирямиз. Олди ғўзаларимиз ёппасига шоналаб, гулга кирди.

— Ҳар гектар ердан пландаги 14 центнердан эмас, 25 центнердан пахта етиштириб топширамиз. — дейишяпти совхоз ишчилари.

Хўжаликдаги 3 та бўлим, 19 та пахтачилик бригадасида республика партия-ҳукуматининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаати асосида ғўза парвариши авж олдирилмоқда. Зарбдор ой деб эълон қилинган июль ойида ғўзаларни яна 4 марта культивация қилиш, 2 марта қондириб суғориш учун курашямиз. Бу ҳаракатда бригадамиз аъзолари ҳам актив қатнашмоқдалар. Айниқса, механизатор ва сувчилар бетиним меҳнат қилиб, социалистик мусобақада олдинги сафларда боришяпти.

«Шу кунларда сувчиларнинг қийин меҳнати алоҳида аҳамият касб этади. Халқ сувчиларни меҳр билан «пахта далаларининг заргарлари» деб атайди. Ҳозир жазирама кунлар — саратон бошланди. Бу даврда ғўзани кўп суғориш талаб этилади. Июль ойида ғўзаларни озиқлантириш билан бир вақтда икки марта суғориш ва тўрт марта культивация қилиш керак».

Ғўзанинг авж олишини жадаллаштирайлик!

ҲАР ТУП НИҲОЛ ЭЪЗОЗДА

Бу сўзлар республика партия ва ҳукуматининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаатида ёзилган.

Совхозимизда ярим йиллик ишларга якун ясалиб, социалистик мусобақа ғолиблари пул ва қимматбаҳо нарсалар билан тақдирланган айёмда Мурожаат эълон қилинди. Комплекс механизацияланган бригадамиз аъзоларига совхоз дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кўчма Қизил байроғи берилди. Мурожаат ва мукофот кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Йиғилишда кўшимча мажбурият олдик. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 ўрнига 35 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилиб, бир йилда икки йиллик план миқдорида «оқ олтин» топширишга сўз бердик.

Биз, комсомол-ёшлар сўз билан иш бирлигига доим амал қиламиз.

Бригадамизнинг чиройли, хушҳаво, янги дала шийпони бор. У ерда Мурожаатни кўзга кўринарли жойга рамкага солиб илиб қўйдик. Республика партия ва ҳукумати даъвати ҳар кун, ҳар соат ва ҳар дақиқада коллективимизга ғўза парваришини авж олдиришимиз лозимлигини эслатиб туради. Шу кунгача ғўза қатор ораларини уч марта культивация қилдик, озиқлантирдик ва икки марта суғордик. Бригадамизнинг 6 аъзосидан 2 киши кундузи, икки киши кечаси сувчилик қиляпти.

Хўжалигимиз Зомин даштида ташкил қилинган. Ерлар текис. Лекин уни моҳирлик билан суғориш зарур. Лотоклар орқали сув етарли оқяпти. Унинг бир томчисини ҳам нобуд қилиш мумкин эмас. Карталаримиз бошига ҳар гектар ер ҳисобига 4—5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарганмиз. Минерал ўғитлар билан органик ўғитни белгиланган нормада ғўзага аралаштириб соляпмиз, суғоришни «шарбат» усулида олиб борямиз.

Ғўзаларимизнинг ҳолати ёмон эмас. Ёппасига шоналаб, гулга кирди. Ҳар туп ғўзани эъзозлаб ўстирямиз. Бўйига 30—35 сантиметр ўсиб, ҳар бирида 16—18 ҳосил шоҳи пайдо бўлди.

Мурожаатда айтилганидек, июль ойини ғўза парваришида зарбдор ой деб эълон қилдик. То кузгача ниҳолларни яна икки марта қондириб суғорамиз. тўрт марта культивация қиламиз.

Бригадамиз сувчилари Раҳим Тожиев, Мироб Ўринов, Мақсудали Деҳқонов, Нозим Органов ўртоқлар ғўзаларни моҳирлик билан суғориб. кунлик топширикни ошириб бажаришяпти. Сувчиларга алоҳида шароит яратдик. Уларни фонус. резина этик ва коржома билан таъминладик. Улар ўртасида мусобақани авж олдириб, ғолибларни номи ёзилган соат, радиоприёмник ёки телевизор сингари буюмлар билан рағбатлантиряпмиз. Сифат комиссияси культивация, озиқлантириш ва суғоришни яхши ўтказиш чораларини кўряпти.

Бу йил гектар бошига 14 ўрнига 35 центнердан ҳосил берамиз. асосий ҳосилни машиналарда терамиз. Ўзим 200 тонна пахта териш мажбуриятини олдим.

Мурожаат ҳар биримизни жасорат кўрсатиб ишлашга даъват этмоқда.

Мақсуда ФОЗИЛОВА,
Зомин районидаги «Прогресс» совхози комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси бошлиғи.

ХУШХАБАРЛАР

ЯНГИ ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИК

Қўқон нон комбинати цехларига яна бир — «Қишлоқ цехи» қўшилди. Яқинда бу ерда ташкил қилинган ёрдамчи хўжаликни ана шундай деб аташди. Ҳозир бу хўжаликда юз бош қўй ва эчки ҳамда учта сигир семиртирилмоқда. Бу ерда курка фермаси, теплица қурилган. Янги «цех» шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки маҳсулот беради — корхона ишчиларига бир тонна қўй гўшти ва ярим тонна парранда гўшти сотилади.

«БелАЗ» УЧУН БАЗА

«Ангренский» разрезининг шимолий участкасида кўп юк ортадиган «БелАЗ-540» маркали агдарма машиналар турадиган жой — ишлаб чиқариш базасини қуриш ва техника билан жиҳозлаш ниҳоясига етди. Комплекс составига янги корпус — гараж, электроподстанция, насос станцияси, омбор ва бошқа объектлар киради.

СУТ СОҒИБ ОЛИШ КЎПАЙДИ

Қорақалпоғистон АССРдаги «Нукус» совхозининг сут-товар фермасида чорва молларни кечаси ўтлатиш ташкил қилинди. Бу эса моллар маҳсулдорлигининг ўсишига яхши таъсир ўтказди. Хўжаликда ҳар бир соғин сигирдан бир кеча-кундузда сут соғиб олиш 14 килограммга етказилди. Совхоз фермасининг тажрибаси районда кенг оммалаштирилди.

НАСОС СТАНЦИЯСИНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

Боботоғ насос станциясининг учинчи кўтарилишидаги иккинчи навбати ишга тушди. Станциянинг агрегатлари қар бир минутда 63 метр баландликка 840 кубометр сув чиқариб беради. Бу эса Жарқўрғон ва Қумқўрғон районларида мингдан гектар ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш имконини яратди.

РЕКОНСТРУКЦИЯ САМАРАСИ

Тахтакўпир массивига сув бериб турадиган Тельман номли каналнинг сув ўтказиш қуввати икки баравар ошди. Канални реконструкция қилиш Қорақалпоғистон АССРдаги Фрунзе номли ва «Совет Ўзбекистони» совхозларида тўрт минг гектардан кўпроқ шолипоянг қўшимча равишда суғориш имконини беради.

БРИГАДА МУВАФФАҚИЯТИ

Бўрибой Жумабоев бошлиқ бригада Андижон сув омбори тўғонига йил бошидан буён планга қўшимча равишда икки минг кубометр бетон ётқизди. Коллектив сунъий денгиз барпо этаётган бригадаларнинг социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Бу эса ишнинг тиғиз графигига ўтиш натижасидир. Бригада йил охиригача пландан ташқари уч минг кубометр гидротехника бетони ётқизишга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДА ИШ КУНЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 11 июль. (ТАСС). Владимир Ляхов билан Валерий Рюминнинг «Салют-6», «Союз» орбитал комплекси ичидаги 135-иш куни бугун одатдагидай Москва вақти билан эрталаб соат 8 да бошланди ва соат 23 гача давом этади.

Бугун экипаж юк кемаси станцияга келтирган ускуналарни монтаж қилади, илмий аппаратларнинг иш қобилиятини текширади ва шу аппаратларни бундан кейинги тадқиқотлар учун тайёрлайди.

Бугунги кун тартибида тренажерда ва велоэргометрда жисмоний машғулотлар ўтказиш, борт техника ҳужжатлари билан ишлаш кўзда тутилган.

Станциянинг бирлашган мотор қурилмасини ёқилғи билан яна таъминлашга тайёрлаш давом этмоқда. Учишни бошқариш марказидан берилган командаларга мувофиқ бакларда сиқиқ азот чиқариб олинмоқда.

Экипажнинг докладларига ва телеметрик ўлчаш маълумотларига кўра, «Салют-6» — «Союз-34» — «Прогресс-7» илмий-тадқиқот комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Станция хоналаридаги микроиқлим параметрлари қуйидагича: температура — Цельсий термометрининг 19 градусига, босим — симоб устунининг 820 миллиметрига тенг.

РАСМИЙ АХБОРОТ

ҚОЗОҒИСТОН ССРДА ҚУЙЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

КПСС XXV съезди қарорларида мамлакатда қўйлар туёғини янада кўлайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, жумладан Қозоғистонда қўйчиликни жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Л. И. Брежнев Қозоғистон ССРга Халқлар дўстлиги ордонини топшириш муносабати билан сўзлаган нутқида республика қўйчилигини юксалтиришга бир вақтлар қўриқ ерларни ўзлаштиришга қандай киришилган бўлса, худди шундай қатъият билан киришиш лозимлигини уқтириб ўтган эди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Қозоғистон ССРда қўйчиликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарор республикада қўй ва эчки туёғини янада кўлайтиришга, колхозларда, совхозларда ва шахсий хўжаликларда қўй гўшти ва жуни етиштириш ҳамда давлатга сотишни янада оширишга қаратилган.

Қарорда таъкидлаб ўтиладики, чўл ва ярим чўл яйловларини комплекс ўзлаштириш, табиий пичанзорлардан ва галлачилик чиқитларидан тўла-тўкис фойдаланиш асосида қўйчиликни янада ривожлантириш, шунингдек, чорвачиликнинг бу тармоғи самарадорлигини ошириш — Қозоғистон ССР партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети республиканинг ҳамма категорияларидаги хўжаликларда қўй ва эчки туёғини 1985 йилда 41 миллион бошга ва 1990 йилда 50 миллион бошга етказиш, қўй гўшти етиштиришни 1985 йилда тирик вазнда 640 минг тоннага етказиш тўғрисида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг таклифини қабул қилдилар. Қозоғистон ССРда ўн биринчи беш йилликда жун харид қилиш плани ҳам тасдиқланди.

Республика Министрлар Советига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ҳамда СССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника давлат комитетига Қозоғистон ССРнинг табиий яйловларини 1990 йилгача комплекс ўзлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилди.

Қозоғистон ССР учун белгиланган топшириқларга биноан ўн биринчи беш йилликда янги қўйчилик совхозларини ташкил этиш, механизациялашган бўрдоқичалари майдончалари ва комплекс механизацияланган қўйчилик фермалари қурилишини анча кенгайтириш, катта-катта майдонларда суғориладиган пичанзор ва яйловларни қўшимча равишда ишга туширишни, суғориладиган ерларда емхашак етиштиришга ихтисослаштирилган совхозлар қуриш кўзда тутилди.

Қозоғистон ССРда қўйчиликни ривожлантиришга 1981—1985 йилларда 4,2 миллиард сўм ҳажмида капитал маблағ ажратилади.

Қозоғистон ССР Министрлар Советига, СССРнинг тегишли министрликлари ва идораларига қўйчилик хўжаликлари учун кадрлар тайёрлаш, яйлов чорвачилиги ходимларига маданий-маиший ва медицина хизматини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш, чўпонларни ва қўйчиликдаги бошқа ходимларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети комил ишонч билдириб айтдиларки, Қозоғистон ССР партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қўйчиликни жадал ривожлантириш, қўй ва эчки туёғини кўпайтириш, республикада қўй гўшти ва қўй жуни етиштиришни ошириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар.

ДОН ОМБОРЛАРИ ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН ҚУРИЛСИН

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ғалла қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналаридаги дон омборлари қурилиши суръатларини ошириш мақсадида катта-катта металл идишлари бўлган элеваторлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

СССР Тайёрлаш министрлиги билан СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига дон қабул қилиш, тозалаш, қуритиш ва жўнатиш объектлари билан бир комплексдаги ака шундай элеваторларни қуриш ва ўн биринчи беш йилликда ишга туширишни топшириқлари белгиланди. Шу топшириқларни бажариш тадбирлари кўзда тутилди. Тегишли министрликлар ва идоралар зарур металл ва темир-бетон конструкциялар, кўтарма-транспорт ва бошқа машина-ускуналар, материаллар, комплекслаш буюмлари тайёрлаш ва етказиб беришни таъминлашлари лозим.

Металл идишлар қуриш, элеваторларни, дон омборларини реконструкциялаш, ремонт қилиш ишларини бажариш учун СССР Тайёрлаш министрлигига механизациялашган кўчма колонналарни ташкил этишга ижозат берилди.

СУВ ҲАВЗАЛАРИ МУСАФФО БЎЛСИН

СССР Министрлар Совети сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат контроллиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

Низомда сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат контроллигининг вазифаси барча министрликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданларнинг сувлардан фойдаланиш юзасидан белгиланган тартибга риоя этишларини таъминлашдан, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан муҳофаза қилиш, уларнинг зарарли таъсир қилишига йўл қўймаслик ва бу таъсирни тугатиш вазифалари бажарилишини, шунингдек, сувлардан фойдаланишни ҳисоб-китоб қилиш қоидаларига, ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг сув тўғрисидаги қонунларида белгиланган бошқа қоидаларга риоя этилишини таъминлашдан иборат эканлиги кўзда тутилган.

Бундай контролликни халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижрочи ва бошқарувчи органлари, шунингдек, СССР Милорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитети, СССР Геология министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Балиқ хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Саноат ишларини хавфхатарсиз олиб бориш устидан назорат ва кон назорати комитети ҳамда Денгиз флоти министрлиги ҳузуридаги Шимолий денгиз йўлининг маъмурияти ўзларининг компетенциясига мувофиқ равишда амалга оширадилар.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасида контроллик вазифаларини шу министрликнинг сувни муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бош бошқармаси, иттифоқдош республикалар Мелиорация ва сув хўжалиги министрликларининг тегишли бош бошқармалари, бошқармалари, ҳавза (территория бошқармалари инспекциялари) ва сув хўжалигини контроллик қилиш бошқа органлари амалга оширадилар.

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари лавозимига кўра айни вақтда СССР сувларини тартибга солиш ва сувларни муҳофаза қилиш бош давлат инспектори ҳамдир.

Низомда мазкур контроллик зиммасига юклатилган органларнинг вазифалари, шунингдек, бу вазифаларни амалга оширувчи давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва бурчлари белгилаб қўйилди.

БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИНИ ЎТКАЗГАНЛИК УЧУН

СССР Министрлар Совети ўз қарорида 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказишда қатнашган барча ходимларга миннатдорчилик эълон қилди.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига аҳоли рўйхатини ўтказишда қатнашган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига эълон қилинган миннатдорчилик ёзиб қўйиш таклиф этилди.

* * *

СССР Министрлар Совети бошқа бир қанча масалаларни кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди. Чунончи:

— асбест саноатини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида;

— виночилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ва унинг сифати устидан контролликни кучайтириш тадбирлари тўғрисида;

— Одесса — Кишинев темир йўлини Одесса ва Молдавия темир йўлларига айлантириб қайта ташкил этиш тўғрисида;

— 1980 йил 1 январгача бўлган ҳолат учун Бутуниттифоқ чорва рўйхатини ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

(ТАСС).

ТЎҒҒИЧ ИНШООТ

КОМСОМОЛЬСК-АМУР (Хабаровск ўлкаси). Норуда материалларни саралаш қурилмаси шаҳарда қурилаётган йирик дарё портининг тўғғич иншоотн бўлди. Унинг қудратли механизмлари ҳар йили Комсомольск, Амурск, Солнечний, БАМнинг шарқий участкаси қурилишлари учун зарур бўлган ярим миллион кубометрдан ортиқ майдаланган тош ва шағални саралаб беради.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

МОЗИРЬ (Гомель области). Бу ердаги мелиоратив машиналар заводининг пландан ташқари маҳсулоти мамлакатнинг бир қанча республика ва областлари мелиораторларига юборилди. Кундаков қиладиган, зовур қувурлари ётқизадиган механизмлар ва бошқа техника воситаларини қўшимча равишда тайёрлаш учун рационализаторларнинг янги таклифлари ёрдам берди. Уларнинг таклифлари туфайли корхона ҳар бир машинанинг вазнини ўрта ҳисобда 100 килограмм енгиллаштиришга муваффақ бўлди.

МУҲИМ ТАДБИР

ВОЛГОГРАД. Волгоград — Донецк оралиғида ер қаърини электр магнит ёрдамида текшириш ишлари тугалланди. «Волга» деб номланган шу экспериментда қатнашувчи олимлар ва инженерлар шаҳар ва қишлоқларнинг Волга ГЭСи ҳосил қилаётган электр энергияга эҳтиёжи камайган тунги пайтларда ишладилар. Эксперимент вақтида юқори вольтли линиядан кучли электр импульси юборилиб турилди. Ер қаъридан унинг акс-садоси олинди, шу акс-садога қараб ер қийнасидаги жинсларнинг характерини аниқлаш мумкин.

ТАБИИЙ МУЗЕЙ

ДУШАНБА. Урта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири — Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) тарихий-архитектура қўриқхона зонаси деб эълон қилинди. Очиқ ҳаводаги бу музей туризм марказига айлантирилади. Архитекторлар унинг осори отиқалари қолдиқларини тўла-тўкис сақлаб қолиш, кейинги даврга мансуб мусулмон маданияти ёдгорликларини, масалан Шайх Муслиҳиддин мақбарасини эҳтиёт қилиб асраш режаларини тузмоқдалар. Шаҳарнинг пахса ва гўзалдан қурилган иморатлардан иборат қисми эски турмуш музейи бўлади. Қўриқхона зонасида улуғ тожик мутафаккирларининг ҳайкаллари ўрнатилади.

ҒАЛЛА КАРВОНЛАРИ

КРАСНОДАР. Кубань деҳқонлари давлат омборларига дастлабки бир миллион тонна ғалла етказиб бердилар. Бу ғалладан қариб 800 минг тоннаси кучли ва қимматли кузги буғдойдир. Элеваторларга элтиб берилаётган ғалла кун сайин кўпайиб бормоқда. 50 минута автомашина ва [illegible] дон ташийдиган трактор поездлари ғалла етказиб [illegible]ка. Кўсонин деҳқонлар об-[illegible] [illegible] келган отар шоронда [illegible] қосил етиштиришга [illegible] бўлдилар. Улар давлатга 4 миллион 360 минг тонна дон етиш йўлида ўз ваъдаларини устидан чиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

ДЎСТЛИК КЕМАСИ

НАХОДКА (Приморье ўлкаси). Япониядан Узоқ Шарқдаги Находка портига «Дўстлик» кемаси етиб келди. Кемада Акита префектураси ёшларининг нихи юз нафар вакили бор. Улар иттифоқдош республикаларга, Москва ва Ленинградга сафар қиладилар, совет студентлари, ёш ишчи ва хизматчиларининг ҳаёти билан танишадилар. (ТАСС).

Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик фабрикасида кўпгина ёшлар ғайрат билан меҳнат қилиб, коллективнинг умумий муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Суратда: етуклик аттестати билан корхонага келиб, фидокорона меҳнати туфайли эътибор қозонган ёш ишчи Мамлакат Мансурова. А. Тўраев фотоси.

Суратда: Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор бичиқчиси Нуъмон Қурбонов. 25 йилдирки у касбини эъзозлаб, смена топшириқларини ортиғи билан бажариб келмоқда. И. Шоиноғомов фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

Умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларни капитал ёки жорий ремонт қилиш, уларни янги ўқув йилига тўла ҳозирлашда маорифчиларимиз ёзги таътилдан ҳамиша самарали фойдаланиб келадилар. Ҳозирги кунда республикамизда 3 мингдан зиёд умумий таълим мактаблари, қирққа яқин район халқ маорифи бўлимлари ҳамда Наманган области маорифчилари янги ўқув йилига тайёргарлик ниҳоясига етказилганлиги тўғрисида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Шу кунгача 540 мактаб телефонлаштирилди. 600 га яқини газлаштирилди. 78 мактабда ошхона, 34 тасида медицина пункти очилди. Кабинет системасида ишлайдиган мактаблар сони 998 тага ортди. 52 та янги спорт зали, юздан ортиқ мерганлик тири, 65 сузиш бассейни қуриб ишга туширилди. Қишлоқ ўқитувчиларининг 5,5 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлари намунали ремонтдан чиқарилди. Буларнинг барчасига партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида, маорифчиларимиз куч-ғайрати, совет, жамоат ташкилотлари ва оталиқ ташкилотларининг мадади туфайли эришилди.

Афсуски, янги ўқув йилига ҳозирлик ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Хусусан, Жиззах областида умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасаларини янги ўқув йилига ҳозирлаш суръатлари ниҳоятда паст. Бу ҳол йил сайин такрорланиб келмоқда. Шу йилнинг беш ойи мобайнида областда мактаблар қурилиши атиги 30 процентни ташкил этди. Бу иш ўтган йили атиги 68 процент бажарилган эди, холос.

Маориф муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан областда социалистик мажбуриятлар қабул қилинган бўлиб, унга кўра 10 июлгача барча умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларини капитал ва жорий ремонт қилишни тугаллаш, 1 августгача янги мактаблар қурилишини поёнига етказиш лозим эди. Яқинда ана шу мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан танишиш мақсадида Галлаорол, Мирзачўл, Арнасой ва Октябрь районларида текширишлар ўтказилди. Афсуски, текшириш натижалари жиззахлик маорифчилар зиммага олган мажбуриятларнинг қониқарсиз бажараётганлигини кўрсатди. Чунончи, 27 июнга қадар бўлган маълумотларга қараганда, областда капитал ремонтдан чиқарилиши лозим бўлган 104 мактабдан фақат тўрттаси, жорий ремонт қилиниши лозим бўлган 273 мактабдан атиги 150 тасида иш ниҳоясига етказилган. Мактаблар қошидаги интернатлар, шунингдек ўқитувчиларнинг уй-жойларини ремонт қилиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Мактаб спорт иншоотларини ремонтдан чиқариш ва янгиларини қуриш планлари ҳам ўлда-жўлда. Бу йил ишга тушириш мўлжалланган 19 спорт залидан 4 таси, 180 га яқин ўйин майдончаларидан 67 таси топширилди. Айниқса 77 та мактабда на ошхона, на буфет ташкил этилмаганлиги кишини ташвишлантиради.

Ўқувчиларнинг касб танлаш, ишлаб чиқариш кўникмасини олиш ва ҳунар эгаллашида мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари роли катта. Афсуски, областда ана шу муҳим ишга ҳам етарлича аҳамият берилмаяпти. Йўқса, учта янги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатидан биттаси ҳам тайёр ҳолга келтирилмаганлигини, мавжуд комбинатлар фаолиятини яхшилаш мақсадида таълим устахоналари сонини кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилинмаётганлигини қандай тушуниш керак? Галлаорол районида биттагина мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати бор. Аммо шуни ҳам янги ўқув йилига тайёрлаш пайсалга солинмоқда. Комбинатга 36 та ўрта мактабдан фақат бештаси жалб этилган. Бу ерда бешта мутахассислик бўйича касб ўргатилмоқда. Аммо, бу иш номига қилинмоқда. Чунки талабга жавоб бера оладиган биронта ҳам устахонаси йўқ. Ошпазлик-қандолатчиликни ўрганаётган ўқувчиларга назарий билимлар бериш билан кифояланилаётир. Бундай кадрларга эҳтиёж катта эканлигига қарамай на район матлубот жамияти, на район умумий овқатланиш идораси комбинатга ёрдам бераётир.

Айрим оталиқ ташкилотларининг раҳбарлари кўкракка уриб, ёрдам берамиз деб оғиз кўпиртиришган бўлса ҳам амалий ишга келганда тамошабин бўлиб турибдилар. Чунончи, шу райондаги «Коммунизм» совхози (директори Қ. Бердиёров) территориясида жойлашган 1-болалар боғчаси хоналарининг поли чириб, ўпирилиб кетган. Шу боисдан 50 нафар ўрнига 15—20 нафар бола боғчага қатнамоқда. Махсус жой қилиб, соябонлар ўрнатилса, ёзги дала ишларининг айни долзарб шу кунларида 150—200 болани ҳам бу ерга жалб этиш мумкин. Чамаси, совхоз раҳбарлари пол ўпирилиб кетишидан қўрқиб, боғчага қадам босмаганлари устига шийпон қуриб беришни ҳам, хоналарни ремонт қилиб беришни ҳам хаёлларига келтирмаётганга ўхшайдилар. Мазкур совхоз территориясидаги 24-ўрта мактаб ремонти ҳам ана шу важдан судралиб ётибди.

Район марказидаги 180 ўринли типовой болалар комбинатида шу пайтгача ремонтга киришилгани йўқ. Ремонт ишлари вақтида ўтказилмаганлиги учун райондаги 2 та пионер лагери 11 нюндан иш бошлай олди, холос. Лекин улардаги шароит болалар яхши ҳордиқ чиқариши учун етарли деб бўлмайди. Оталиқ ташкилотларининг сусткашлиги натижасида 26 июнга қадар райондаги капитал ремонт қилиниши лозим бўлган 21 мактабдан биронтаси ҳам қўлдан чиқарилгани йўқ.

Область китоб савдоси бошқармаси 228 номда 313 мингдан зиёд нусхада дарсликлар олди. Бугунги кунда 237 мингдан ортиқ китоб омборхоналарда реализация қилинмай ётибди. Галлаорол, Зомин, Фориш, Жиззах, Дўстлик ва Октябрь район матлубот жамиятлари ва кооперациялари ҳамда қишлоқ Советлари бу дарсликларни олиб, мактабларга тарқатиш ҳақида қайғурмаяптилар.

Юқоридаги камчиликларнинг асосий сабаблари аввало, маориф муассасаларини капитал ва жорий ремонт ишлари юзасидан қатъий график ишлаб чиқилмаган. Бунинг устига юқори синф ўқувчиларидан махсус ремонт бригадалари тузишга эътибор қилинмаган, жамоатчилик назорати постлари ташкил этилмаган. Энг асосийси халқ маорифи органлари билан оталиқ ташкилотлари ўқув-моддий базани мустаҳкамлашда кучларни бирлаштириш лозимлигини унутиб қўйишган.

Жиззах область маорифчилари, мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларнинг педагогик коллективлари қолган фурсатни ғанимат билиб, янги ўқув йилига тайёргарликни тез ва соз тугаллайдилар, деб умид қиламиз.

Ш. ШОМАНСУРОВ,
Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармасининг инспектори.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ-НАЗОРАТДА

КАТТА ДОВОН ОЛДИДА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ВА РЕСПУБЛИКА РАДИОСИНИНГ ҚЎШМА РЕИДИ

● ИККИ ЗАРБДОР ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИГА БИР НАЗАР ● БУ ЙИЛ КУЗДА ДАРЁ ЖИЛОВЛАНАДИ ● 2,6 МИЛЛИАРД КУБОМЕТР ОБИ ҲАЁТ ● ТОКАЙГАЧА ИММИЛЛАЙСИЗ, АВТОТРАНСПОРТЧИЛАР ● ИПСИЗ ТУШОВЛАР ● ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЕҒАР ● ГИЛАМЧИЛАР ЭЪТИРОЗИ

Туямўйин қурувчиларининг шу кунлардаги бутун куч-ғайрати ягона мақсадга — ушбу йилнинг кузида асов Амударёни жиловлаш ва Ўрта Осиёда энг йирик гидроиншоотнинг биринчи навбатини ишга туширишга қаратилмоқда. Бунинг маъноси шуки, қоялар ораликида дарё тўсилиб, инсон измига бўйсундирилади ва сув янги изидан оқа бошлайди.

Гигант темир-бетон тўғон дастлабки даврда сув омборида 2,6 миллиард кубометр обиҳаёт тўплаш имконини беради. Бу — воҳани сув билан муттасил ва етарли миқдорда таъминлаш йўлидаги биринчи қадам, холос. Гидроузел тўла қувватда ишга гуш[illegible]ирилгач, 7,3 миллиард кубометр сувни ўз бағрига сиғдирадиган сунъий денгиз яратилади. Бошқача айтганда, Туямўйин — 500 минг гектардан зиёд янги ерни ўзлаштириш ва бойликлар хазинасига айлантириш, демакдир. Бу ерда қад кўтарган ГЭС 150 минг киловатт қувватга эга бўлади. Ҳа, фақат денгиз мавжланиб қолмай, Туямўйинда қуёш ҳам балқийдиган вақт тобора яқинлашмоқда.

Хўш, Туямўйинда ишлар қандай кетяпти? Ҳозиргача нималар қилинди? Гидроузелнинг биринчи навбатини тезроқ ишга туширишнинг истиқболи қандай?

Аввало, шуни қониқиш билан таъкидлаш керакки, республика партия ва ҳукумати қабул қилган қарорлар қурилишни жадаллаштиришда ғоят муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлди. Белгиланган қурилиш-монтаж ишлари планлари мунтазам равишда тўла ва ошириб бажарилмоқда. Самарадорлик ва сифат яхшиланмоқда. Масалан, ўтган ярим йил мобайнида планда кўзда тутилган 12 миллион 363 минг сўмлик ўрнига 13 миллион 796 минг сўмлик ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шу даврда асосий иншоотларга 110 минг кубометр бетон ётқизилди.

Гидроузел қурилишига ажратилган 335 миллион сўм капитал маблағдан ҳозиргача 170 миллион сўми ўзлаштирилди. Қурилишда ҳаммаси бўлиб 68 миллион кубометр тупроқ, бир миллион 360 минг кубометр бетон, 100 минг тонна металл конструкцияси ва арматура ишлари бажарилиши керак. Ҳозирга қадар 40 миллион кубометр тупроқ ва 750 минг кубометр бетон ишлари амалга оширилди, 22 миллион сўмлик саноат базаси барпо қилинди. Қурувчиларнинг «Дружба» шаҳри қад кўтарди. Уй-жойлар, коммунал-маиший хизмат корхоналари, маданият муассасалари қурилиши авж олдиримоқда.

Қурилиш пешқадамлари, социалистик мусобақа илғорлари сафи кенгайиб бораяпти. Искандар Юсупов, В. Мельников раҳбарлик қилаётган қурилиш-монтаж бошқармаларининг Туроббой Шаропов бошлиқ монтажчилар бригадаси куни кеча ўнинчи беш йиллик планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Сергей Цой бошлиқ монтажчилар, Отахон Турсунов, Матжон Уринов бошлиқ комплекс бригадалар 1980 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Дарёнинг белгиланган муддатда тўсилиши кўп жиҳатдан автомобилчиларнинг ўз зиммасидаги вазифани тўла-тўкис ва узлуксиз адо этишига боғлиқ. Улар объектга 500 минг тонна ҳажмда тош ташиб беришлари лозим. Область автомобиль трести корхоналари белгиланган планларни атиги 50—60 процент ўртасида бажаришяпти.

Хоразм область автомобиль трести зарбдор қурилишга ажратилган транспортнинг тўлиқ ва юқори унум билан ишлашига эришмоғи керак. Шу билан бирга, республика Автомобиль транспорти министрлиги гидроузел қурилишига қўшимча ёрдам кўрсатиши зарурлигини шароит тақозо этмоқда.

Қурилишни бир маромда, тўхтовсиз давом эттириш учун бир қатор етилган масалалар тез ва ижобий тарзда ҳал қилиниши лозим. Шулардан бири — сув омбори зонасидаги аҳоли пунктларини бошқа жойларга кўчиришдир. Улар орасида Туркманистон ССР Дарғонота районига қарашли қишлоқлар ҳам бор. Афсуски, аҳоли пунктларини янги турар-жой майдонларига кўчириш пайсалга солинмоқда. Бу ипсиз тушов қурилиш суръатини кейинга суриши мумкин.

Қурилиш материалларини етказиб беришда ахён-ахёнда учраб турган узилишлар қурувчиларнинг қўлини тутиб турибди. Масалан, цемент ўз вақтида етказиб берилмаганлиги сабабли бетон заводлари бир неча кун ишламади. Ёғоч-тахта, айрим ускуналар кечикиб олиняпти. Электростанция агрегати учун иккита турбина камераси ҳануз етиб келмаган. Қурилиш техникасига бўлган эҳтиёжни кечиктирмай қондириш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Турар жойлар қурилиши, «Дружба» шаҳрини ободонлаштириш, қурувчиларга маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш соҳасида талай нуқсонлар ҳукм сурмоқда. Шаҳарни радиолаштиришга бефарқ қаралаётганлигини оқлаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Гидроузел қурилишини янада жадаллаштириш, унинг биринчи навбатини ўз муддатида фойдаланишга топшириш учун ҳамма имкониятлар, моддий-техника воситалари мавжуд. Гап — барча куч ва ресурслардан самарали фойдаланиш, ишни қатъий график асосида ташкил этиш, йўл қўйилаётган камчиликларга тезда барҳам бериш, етилган масалаларни тадбиркорлик билан ҳал қилишдадир.

* * *

Унинчи беш йилликнинг зарбдор объекти — Хива гилам комбинатининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Ҳозир унинг учинчи навбатини қуриш ва монтажлаш ишлари давом эттириляпти.

Корхонанинг ишлаб чиқариш корпусини қуриш ниҳоясига етказилди. Цехларга 196 та ҳар хил машина ва ускуналар ўрнатилди. Қурилишга ажратилган 38 миллион сўм капитал маблағдан 24 миллион сўми ўзлаштирилди. Ҳозирги вақтда цехларда монтаж ишлари, шунингдек, турар жойлар қурилиши амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Хива гилам комбинати — Ўрта Осиёдагина эмас, Иттифоқда энг йирик тўқимачилик саноати корхоналаридан бири. Йилига икки миллион 444 минг квадрат метр гилам тўқиш қувватига эга бўлган бу улкан корхонада икки мингга яқин киши ишлайди. Икки полотнода гул солдиган Жаккард станоклари сони ва қуввати жиҳатидан комбинат мамлакат гиламчилик корхоналари орасида биринчи ўринда туради. Ватанимиз ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари корхоналари комбинат қурилишига ҳар хил машина ва механизмлар етказиб беришди.

— Корхонамиз ҳали тўла қувватда ишлаётгани йўқ. Ярим йиллик план бажарилмади. Ҳар ойда икки миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиняпти. Бу — жуда оз. Биз йилига 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришимиз керак. Ускуналарни ўрнатиш ва созлаш кечикмоқда. Мавжуд 176 та станокдан фақат 73 таси ишлаб турибди, — дея эътироф қилди комбинат директори Илҳом Аҳмедов. Сўнгра у ишлаб чиқаришда самарадорлик ва сифатни ошириш, қурилиш ва монтаж ишларини жадаллаштириш масалаларига тўхталди.

Янги корхонанинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларидан бири юқори малакали инженер-техник ходимларга бўлган талабдир. Ўрнатилган станокларни созловчи мутахассислар йўқлигидан дастгоҳлар бекор турибди. «Союзлегпромпусконаладка» трести бу масалани ҳал этишни кечиктириб юборди.

Цехларда қулай меҳнат шароити яратиш борасидаги ишлар поёнига етказилмаган. Нормал ҳарорат ва намни сақлаш учун совитиш қурилмаларини ўрнатиш ҳамда ишлатиш лойиҳада кўзда тутилса ҳам аммо амалда бу иш ўз вақтида бажарилмаган. «Промэнергомонтаж» участкаси бошлиғи Николай Ким ўз зиммасидаги вазифага эътиборсиз қараб келмоқда. «Қолган ишга қор ёғар» деб бажиз айтмаганларда!

Комбинат ишчиларини ва бошқа шаҳарлардан ишга таклиф қилинган мутахассисларни турар-жойлар, ётоқхоналар билан таъминлаш жуда муҳим иш. Лекин, турар жойлар қурилиши суст олиб борилмоқда. Лойиҳада белгиланган 48 минг квадрат метр турар жойдан эндигина 10 минг квадрат метри қурилган. 210 ўринли ётоқхона, 320 ўринли болалар боғчаси қурилиши чўзилиб кетяпти.

167-қурилиш трестига қарашли хўжалик ҳисобидаги участка комбинатнинг турар жой корпусини тезроқ қуриш ва ишга туширишни тадбирларини кўриши керак. Аммо, участка бошлиғи Раҳимбой Бобожонов, бош инженер Рустам Раҳимов ҳар хил важ-карсонлар билан қурилишни орқага сурмоқдалар.

Қурилиш суръатини тезлатишга ҳалақит бераётган бошқа нуқсонлар ҳам талай. Урганч уйсозлик комбинати 4 та йирик панелли уйни етказиб беришни кечиктираяпти. Комбинат директори А. Вафоев ваъдабозлик билан бу ишни пайсалга солмоқда. Май ойида 240 минг ўрнига 145 минг ғишт, 160 тонна ўрнига 80 тонна цемент олинди, темир-бетон конструкциялари ўз вақтида етиб келмади. Қурилиш материаллари таъминотидаги узилишлар объектларда ишни кейинга суриши ўз-ўзидан равшан.

Кези келганда, гиламчиларнинг яна бир ҳақли эътирози ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Комбинат билан шаҳар ўртасида транспорт қатнови тузук йўлган қўйилмаган. Автобус кеч юриб, барвақт тўхташи шаҳарлик ишчиларнинг ўз вақтида ишхонага етиб келиши ва сменадан кейин уйларига қайтишида қийинчилик туғдираяпти. Хива шаҳар ижроия комитети бу масалани кечиктирмай ҳал қилиши зарур.

Хива гилам комбинатининг истиқболи порлоқ. Унинг учинчи навбатини мумкин қадар қисқа муддатда фойдаланишга топшириш, корхонанинг тўла қувватда бир маромда ишлашини таъминлаш, гиламчиларнинг малакасини ошириш, моҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун барча чоралар кўрилиши лозим.

М. САИДОВ,
Республика радиосининг мухбири.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Хоразм область мухбири.

(Қўшма рейд материаллари билан бугун соат 1[illegible],00 да республика радиосининг биринчи программаси орқали ҳам танишишингиз мумкин).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

САМАРҚАНД МАТОНАТИ

ЗАРАФШОН дарёсининг бетиним мавжлари қадимий нуқрадай, оқиш-кулранг тус бериб товланади. Бу йил Оқдарёда ҳам, Қорадарёда ҳам сув кўп. Самарқандининг мириқишкор деҳқонлари ҳозирги шароитни ҳисобга олиб, саратон сувига ғўзани уч марта қондириб суғоришга бел боғлаганлар. Бироқ сўнгги ойларда ғўза сувдан ҳам кўра ҳароратга кўп ташна бўлди. Одатда, ғўзани деҳқон билан офтоб биргаликда ўстирарди, пахтани бирга пишираради. Бу йил офтоб «дангасалик» қилиб, май, июнь, ҳатто июль бошларида зарур ҳароратни бермади, бутун иш деҳқоннинг ўзига қолди. Ғўза ривожидаги қолоқлик кетма-кет культивация, «шарбат» оқизиш ва бошқа ишловлар кучи билан йўқолиб бораётганлигини, инсон билагидан далаларга тўкилаётган куч-қудрат ва деҳқон қалбидан ғўзага ўтаётган ҳарорат шонани гулга, гулни шиғил кўсакка айлантираётганини биз Пахтачи ва Каттақўрғон, Иштихон ва Пайариқ, Пастдаргом ва Оқдарё районларида юриб, ўз кўзимиз билан кўрдик...

— Бултурги йилни эсланг, — дейди область партия комитетининг биринчи секретари Бектош Раҳимов. — Самарқанд ҳавоси азалдан салқироқ бўлади. Бунинг устига, бултур сернам баҳор чўзилиб кетди. Дўл, сел, жала қанча минг гектар ерларда ғўзани икки-уч қайта экишга мажбур қилди. Лекин халқимиз меҳнат билан, ақл-идрок билан, сабот-матонат билан юқори ҳосил етиштирди. Бултурги куз шу қадар ноқулай келишига қарамай, жуда кўп хўжаликларимиз планнигина эмас, мажбуриятларини ҳам бажарди. Бу йилги ҳарорат бултургидан ҳам паст, аммо кишиларимиздаги эътиқод, ғалабага ишонч, пахтакорлик касбига хос сабот-матонатнинг тафти пасайган эмас, аксинча, кўтарилиб боряпти.

... Биз борган ҳамма районларда, ҳамма далаларда жанговар бир руҳ ва ғалабага комил ишонч ҳукмрон. Бутун область бўйлаб пахтага ишлов беришнинг жанговар юз кунлиги эълон қилинган, барча ишчи кучи, барча техника восталари ҳосил тўплашга сафарбар этилган.

Иштихон районининг «Меҳнат-роҳат» колхози илғор механизаторларидан Тоҳир Носиров ва Амир Жўпузоқовларга далада олтин соат — мукофот топширилганини кўрдик. Бу мукофотнинг рамзий маъноси ҳам бор. Ҳозирги пайтда механизатор соатдай аниқ ишлагандагина, ўз олдидаги муҳим вазифаларни тўлиқ бажариши мумкин.

Пастдаргомда машҳур Карл Маркс номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жониқул ака Юсупов билан бу йилнинг машаққатлари тўғрисида гаплашиб ўтирганимизда, бехтиёр жанг майдонларини эсладик. Фақат Жониқул ака эмас, Оқдарё район партия комитетининг биринчи секретари Омон Ғайбуллаев ҳам, фронтни кўрган бошқа пахтакорлар ҳам ҳозирги оғир шароит ва пахтакорнинг жасоратини фронт машаққатларига қиёслаб гапиришди.

Самарқандгагина эмас, республикамизга ва Иттифоққа танилган машҳур пахтакор, КПСС XXV съезди делегати СССР Олий Совети депутати Жониқул Юсупов қариялларнинг ҳурматини бажо келтириб, уларнинг тажрибаларидан ганираркан «мен ҳам шулардан ўрганаман-да», деб қўйди. Аслини олганда, унинг камсуқимлиги замирида ўша нуроний отахонлар билими, идроки, тажрибалари жамулжам эдики, колхозда қилинаётган ишлар бунга яққол кўрсатиб турарди. 33 йил муқаддам «Қизил меҳнат» колхозида юз гектар ерга чигит экиб, 13 центнердан ҳосил қўтарган колхоз бугун салкам 2,5 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта хирмони уйиши асосида ана шу тажрибаси, тадбиркорлиги, маҳорати ва матонати ётарди.

Пастдаргом районидан ўн нафар пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига муяссар бўлган экан, шулардан еттитаси шу колхозда, Жониқул Юсупов бағрида, унинг ёнида камол топди.

Шу долзарб - кунларда минг-минг колхозчи пахтазорда. Улар ишнинг кўзини билиб, ҳар бир тупни ардоқлаб вояга етказишяпти. Колхозчиларнинг баракали меҳнат қилиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар куни 75 культиватор ғўза қатор ораларида парвона. 650 нафар сувчи пайкалларга сув тараб юрибди. Тунда қўлида фонарь кўтариб, эгат оралаб юрган оппоқ яктакдаги йигит ойдин кечада афсонавий сеҳргарни эслатади.

Худди шундай меҳнат, маҳорат ва матонат Пахтачи районининг «Коммунизм» ва Охунбобоев номли, Иштихон районининг «Правда» ва Фрунзе номли, Оқдарёнинг «Коммунист» ва «Партия XXII съезди» колхозларида ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Кўлу селлар бу хўжаликлар далаларига ҳам шикаст етказди. Ғўзани бир неча бор қайталаб экишга мажбур этди. Деҳқон, барибир, бўй бермади, ойлаб кечикса ҳам ғўзани ундириб олди. Энди шонани гулга, гулни кўсакка айлантирадиган он келди. Буни машҳур «Самарқанд» колхозининг деҳқонлари кўрсатди. Охунбобоев номли колхознинг 60 центнерчи бригадаси бошлиғи Саттор Раимқулов: «Маррага етиб олишимизга беш кун қолди», дейди. «Беш-олти кун» ҳам демайди, соатигача айтади. Шу қадар қаттиқ ва аниқ ишлямоқда. Колхоз раиси Раҳмон Эргашев эса: «Колхоз бугун 15 кун орқада» дейди. «Бугун» дейди аниқ қилиб, чунки эртага албатта 14 ёки 13 кун қолишини билади. Ғўзасининг ранги-рўйи деҳқоннинг парваришидан очилиб боряпти. Унинг ғўзаси кун сайин эмас, соат сайин ривожланяпти...

— 1943 йили отамни урушга кузатиб, пахтазорга кирганман, — дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сафар Эргашев. — ўшанда 13 ёшда эдим. Арава ҳайдадим, трактор миндим, оч-наҳор қолсак-қолдикки, ғалаба кунлари билан ғўза тупини санаб яшадик. Лекин бу йилгидай қийинчиликни кам кўрганман.

Сифат комиссияси сув, маҳаллий ўғит, культивация ишларининг сифатига «танда» қўйдилар. Ҳар ўн кунда бир районнинг бир колхозида область активистлари кенгаш ўтказадилар ва ҳисоб эшитадилар. Бугунгача Пахтачи районининг Киров номли колхозида, Жомбой районининг «Октябрь» колхозида, Оқдарё районининг Карл Маркс номли колхозида, Пайариқ районининг «Пайариқ» совхозида шундай қизғин кенгаш ўтказдилар. Масъулият қучайиб, иш жадаллашиб кетди. Эндиги кенгаш Каттақўрғон районининг Ленин номли машҳур колхозида бўлади. Район партия комитети раҳбарлари, совхоз ва колхоз раҳбарлари, тажрибакор бригада бошлиқлари тажриба алмашадилар, мана шундай қилиб, бўй бермаган кунлар тизгини тортилади, етилмаган кунлар етилтирилади.

БИЛИМДОН деҳқон пайкалини идрок билан кўздан кечирар экан, айни шу кунлари сесканмайди, ҳосил сақлаб қолинди, дейди, лекин унинг ривожига қараб бир оз ўйга чўмади, айниқса Жомбайни, Пайариқни, Оқдарёни ўйлайди. Бу районлар водийнинг салмоқли ҳосил хазиналаридан, уларни табиат ёмон қийнади, кўз очирмади, деҳқоннинг қаҳрамонлигини одамлар мана шу районларда, айниқса, ёрқин кўрдилар.

Раис Шамси Назаровни билмаган ер йўқ. Унинг меҳнатини олтинга оладилар, у бугун меҳнаткаш ҳаётини гулшанга айлантириб юборди. Шамси Назаров Ўзбекистонда колхоз қурилишининг билимдонларидан бири, механизациянинг илмига илк тушунган ва уни далага биринчи бўлиб олиб кирганлардан. Уни унча-мунча табиат тараққиётидан далолат. Колхозчи шаҳарда яшагандай яшамоқда, Шаҳарчада кино, театр, стадион, ресторан ҳам, мактаб, музей, истироҳат боғи ҳам, маданий-маиший комбинат билан савдо марказигача мавжуд, чиннидай топ-тоза, кенг ва теп-текис, кўчалари, суратдагидай қават-қават уйларни айтмайсизми. Молхонаси, қўйхонаси молга тўла, боғ-роғли ҳовлилари шинам, ҳамма коммунал шароитлари билан инсонни ардоқлагувчи хонадонларда осмону фалакка сув уриб турган фавворалар, маданият саройлари — ҳаммаҳаммаси мавжуд. Алоҳида дорихоналари, тиббий шифохоналари ва маданий оқартув юмушлари юриб турган ҳордиқхоналари кўзни қувонтиради. Бу ерга шаҳардан келиб дам олиб кетишади...

Халқининг гами битта: у ҳам бўлса эл-юрти олдида қизармаслик; ҳамма ишини саранжом кўриш, эртанги Каттақўрғон ўн кунлигида ҳам, юз кунликнинг ҳар бир кунида ҳам пахта парваришини меъёрига етказиб олиш, уни ўт босмасин, чанқаб қолмасин, таги йўргакдек-юмшоқ бўлсин, ҳашарот босмасин. Ғўзани мураккаб аҳволдан чиқариб олиш керак. Ҳамма ҳосил гами ва ташвиши билан банд.

Самарқанд матонати замирида меҳнаткаш инсонга, далада тер тўкаётган ҳар бир пахтакорга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик алоҳида ўрин тутади. Механизатор асосий кучми, унга яхши шароит яратилади. Ҳар ойда нақд марта маош бериб турилади. Бир ойда 400—500 сўмга етказиб мояна оладиган дала гвардиячилари жуда кўп. Ҳозир кўп нарса сувчининг меҳнат ва маҳоратига боғлиқ. Демак, унинг далада қиладиган оқ яктагию резинка этигидан тортиб, смена алмашинганда мизғиб оладиган оқ чодири ва йиғма кроватигача, ҳаммаси тахт қилиб берилган.

Меҳнатда унум бўлиши учун меҳнаткаш соғлом бўлиши керак. Соғлиқ посбонлари бўлган шифокорлар ҳар бир бригадага, ҳар бир пайкалга ўзлари бориб хабар олиб турадилар. Шу билан бир қаторда Самарқанд областида пахта зараркунандаларига қарши курашда инсон соғлиғи учун жуда аҳамиятли бўлган биологик усул тобора кенг қўлланилмоқда. Бу борада Оқдарё районидаги Бурхон Сувонов раис бўлган «Партия XXII съезди» колхозининг тажрибаси бизни жуда қизиқтирди. Ғўзага тушган ширинчани колхоз лабораториясида кўпайтирилган хонқизи номли жонивор қандай тез йўқ қилаётганини яқиндан туриб кузатдик. Ўргимчак қуртининг қушандаси — учадиган чумолисимон ҳашарот ҳам бу ишда инсонга кўмак бермоқда.

— Мана, саккиз йилдан бери фақат биологик усул билан иш олиб борямиз. — дейди раис. — Шу йиллар ичида доим пахта планини ошириб бажаряпмиз. Бултурги оғир йилда ҳам планни 104 процент қилиб бажардик. Бу йил ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олмоқчимиз. Ғўзанинг ривожи яхши. Олди гуллаб ҳатто кўсак тугишга ўтди.

Ғамхўрлик зўр бўлган сари, пахтакорнинг руҳи кўтарилади. Оддий бир нарса: пахтакор ариқдан хом сув ичиб, касалланиб қолмасин учун дала шийпонларида катта сув қайнатгичлар ишлаб турибди. Қайнатилган сув махсус идишларга солиниб, ариқларда, ҳатто холодильникларда совитилаётганини кўрдик. Электр туширилган ва холодильниклар қўйилган дала шийпонлари Самарқанд қишлоқларида кўпайиб бораётгани гувоҳи бўлдик.

Ишнинг унумини оширадиган ва меҳнаткашларнинг ғайратига ғайрат қўшадиган янги бир тадбир — турмуш маданиятига эътиборнинг зўрлигидир. Меҳнат маданияти доим турмуш маданияти билан бирга юксалади. Самарқанд областининг биз борган колхозларида янги бир лавозим — колхоз раисининг маданий ишлар бўйича муовини таъсис этилган. Дала шийпонларидаги барча ташкилий-маданий ишларни ҳам ана шу муовин ўз қўлига олган. Мана, Қорадарё бўйига жойлашган «Москва» колхозининг дала шийпонларидан бирига назар ташланг. Тўрт хона — ҳаммаси ойнали, дарпардали. Бир-биридан саришта. Илгакларда гулдор чочиқлар...

Чорсу айвонининг икки ён деворидан алвонлар, чақириқлар, «Жанговар варақа»лар, кундалик сводкалар ва илғорларнинг номлари ўрин олган. Энг кўримли жойда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Советининг Мурожаати. Ирик ҳарфлар билан рангдор қилиб босилган Мурожаат ёнида «Ҳамма — пахтазорга, юз кунлик жанговар вахтага!» деган даъват. Ундаги шу сатрлар остини кимдир қизил қалам билан чизиб қўйибди: «Ҳосилнинг пишиб етилиши учун вақт қисқа қолганини зинҳор унутмаслик керак. Бундай пайтда ҳар бир бригада, ҳар бир пайкалнинг ер-сув шароитига қараб иш тутиш, қайси юмушни қачон бажариш лозимлигини ақл-идрок билан кўп йиллик тажриба асосида ҳал этиш мақсадга мувофиқдир».

Қандолат Абдуллаева бригадаси Қорадарёдан ер очиб, тошлоқни обод қилди. Бригаданинг 90 гектарли пахтазорининг оласи йўқ. Бари бир текис, ғўзалари растараста бўлиб турибди. Уч марта культивация қилиниб, икки марта чопиқдан чиқарилди. Иккинчи сув тараляпти.

Мутахассисларнинг фикрича, Ленин орденли Қандолат Абдуллаеванинг пахта майдонига бемалол Сифат белгиси берса бўлади.

Ана, Қандолатхоннинг ўзлари. 30 йилдан бери бригадир. «Москва» колхози планни эплолмаган бултурги пойгада совринни биринчи бўлиб Қандолатхон олиб кетди. 1978 йилда янгигина очилган тошлоқнинг ҳар гектаридан 28,5 центнер «оқ олтин» топширди. Бу йилги мажбурияти — 40 центнердан. Ўтган йилгидай бу йил ҳам бутун ҳосилни «пўлат этаклар»да термоқчи. «Москва» колхозида Баҳриддин Очилов етакчилик қилаётган бригада ҳам ифтихор билан тилга олинади. 175 гектар ғўзасининг кемтиги йўқ.

Табиат ҳам ўз хатосини гоҳо тузатар экан. Деҳқонларнинг айтишича Оқдарёда ўтган йили 6—7 июнгача чигит экилган. Лекин пировардида табиат ўз мурғак фарзандини йўргаклаб олган. Ажабмас бу йил ҳам шундоқ бўлса, негаки, деҳқон табиат бермаганни ўзи беряпти. — қалб қўрини, кўз нурини, иссиқ меҳрини беряпти.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг Мурожаатидаги қўйидаги алангали сўзлар яна бир бор эсга тушади: «Сизларнинг билимингиз ва тажрибангиз мўл пахта ҳосили учун ҳар йилги курашда интернационал бурчга содиқлигингиз меҳнатга чинакам коммунистик муносабат тимсолидир». Биз Самарқанд области пахтакорлари мисолида бутун республикамиз деҳқонларининг меҳнатдаги жасоратини ва мардлигини яққол кўрдик. Бу улуғ меҳнат, маҳорат, сабот ва матонат туфайли 5 миллион 700 минг тонналик улкан хирмон албатта қад кўтаришига ҳар биримиз дил-дилдан ишонч ҳосил қилдик.

Раҳмат ФАИЗИЕВ,
Туроб ТЎЛА,
Пиримқул ҚОДИРОВ,
Султон АКБАРИЙ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

УЛАН-БАТОРДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

УЛАН-БАТОР, 10 июль. (ТАСС). Бу ерда Монголия халқ революциясининг 58 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари йиғилиш президиумидан жой олдилар.

Йиғилишда МХРП Марказий Комитетининг секретари П. Дамдин нутқ сўзлади.

Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида, деб таъкидлади у, монгол халқи ўрта аср қолоқлигидан реал социализм сари тарихий йўлни босиб ўтди. Янги жамият қуриш учун энг мураккаб вазифаларни ҳал этишнинг ҳамма босқичларида, олға қараб қилинган бутун ҳаракатда монгол халқи ўз дўсти ва иттифоқчиси — қаҳрамон совет халқининг қудратли мададига таяниб келди.

П. Дамдин МХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорлиги масаласида батафсил тўхталиб ўтди. Бу ҳамкорлик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришда халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг афзалликларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

МХРП Марказий Комитетининг секретари қўйидагиларни ўқтириб ўтди: СССР ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг актив курраши ва биргаликдаги самарали фаолияти туфайли кейинги йилларда халқаро муносабатларда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Монгол халқи КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, совет халқини ва унинг синалган раҳбари — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни самимий ва қизғин табриклайди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳормастолмас фаолияти СҚЧ-2 тўғрисида шартнома тузиш юзасидан музокараларнинг муваффақиятли тугалланиши учун асосий роль ўйнади. СҚЧ-2 тўғрисидаги шартнома ракета-ядро уруши хавфини камайтириш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига реал ҳисса қўшди.

П. Дамдин жаҳондаги вазиятни анализ қилиб, ҳозирги вақтда Пекин раҳбарлари кескинликни юмшатишга қаршилик қилаётган, ҳозирги замоннинг туб проблемаларини ҳал этишда ижобий силжишларга ҳалақит бераётган реакцион кучлар билан бир сафда турганликларини таъкидлади. Пекин раҳбарлари кўп йиллардан бери МХРнинг мустақиллигига суиқасд қилиб, унга қарши қўпорувчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Монголия халқ революциясининг 58 йиллиги муносабати билан бугун бу ерда МХРП ва халқ давлати асосчилари Д. Сухэ-Батор ва Х. Чойбалсан мақбарасига, В. И. Ленин ҳайкалига ҳамда Зайсан тоғидаги совет жангчилари ёдгорлигига гулчамбарлар қўйилди. Гулчамбар қўйиш тантанали маросимида Ю. Цеденбал, МХРнинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

УЛУҒ ҒОЯЛАР ТАНТАНАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Социализм дунёси — улуғ ғоялар тантанаси» номли китобида жаҳон социалистик системасининг ривожи чуқур таҳлил этилган, бу китоб марксизм-ленинизмнинг улуғ ғояларини бойитади, шу ғояларнинг ҳаётий кучини ва сўнмас тарихий аҳамиятини тасдиқлайди, деб ёзади «Работническо дело» газетаси Л. И. Брежневнинг БХРда нашр этилган китобига бағишланган мақоласида. Китобни Болгария Компартиясининг «Партиздат» нашриёти болгар тилида чоп этди.

Л. И. Брежневнинг шу тўпламга кирган нутқ ва мақолалари жамиятни социалистик негизларда қайта қуриш йўлидаги кураш формаларининг бойлиги ва хилма-хиллигини, реал социализмнинг ҳозирги дунёдаги ўрни ва тарихий ролини очиб беради. Бу нутқ ва мақолаларда КПСС билан Совет давлатининг, социалистик мамлакатлардаги қардош социалистик ва ишчи партияларнинг тажрибаси умумлаштирилган. Бу тажриба бутун халқаро ишчилар синфининг ғалабаси бўлиб, социализм қуриш йўлини танлаб олишда революцион кучларга ёрдам беради.

Л. И. Брежнев китобининг бошидан охиригача социализм — ҳозирги дунёнинг реаллиги экани, қардош социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги эса — энг ижчил ва тараққийпарвар иқтисодий куч экани тўғрисидаги ғоя сингдириб юборилган. Социалистик мамлакатларнинг ривожланиш тарихи буни тасдиқлаган. Жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш янги қаёт қураётган, халқаро муносабатларнинг янги типини яратаётган миллион-миллион кишиларнинг интернационал иши бўлиб қолди. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг намунаси марксизм-ленинизмнинг кучи ва интернационал характерини амалий равишда тасдиқлайди, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг яқинда Москвада бўлиб ўтган сессияси буни яна бир карра намойиш қилди.

Тинчлик ва турли ижтимоий системаларга мансуб давлатларнинг тинч-тотув яшаш проблемаларига Л. И. Брежневнинг китобида алоҳида ўрин берилган, деб таъкидлайди «Работническо дело» газетаси. Совет ҳокимияти Ленининг сулҳ тўғрисидаги Декрети белгиси остида туғилди. Ўша пайтдан бери СССРнинг ташқи сиёсати доимо тинчлик ғоялари билан суғорилиб келмоқда. Тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш йўлидан муттасил олға бораётган социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам энди мана шундай сиёсат ўтказмоқдалар. (ТАСС).

ЧЕТГА ТОВАР ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнамнинг чет эл бозорларида харидорларга ғоят мазур бўлган экспорт товарлари орасида ҳар хил қимматли ёғоч, каучук, кофе, арахис мойи, денгиз маҳсулотлари ва бошқа тропик маҳсулот турлари бор. ВКП VI съездининг қарорига мувофиқ мамлакатда экспорт товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бошланган ҳаракат кенг тус олди. Республиканинг давлат корхоналари ва кооперативлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, экспорт учун белгиланган маҳсулот сифатини яхшиламоқдалар.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

ВАРШАВА. Халқ Польшасининг яқинлашиб келаётган 35 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажарганликлари тўғрисида ПХРнинг ҳар томонидан саноат корхоналари коллективлари Варшавага йўллаган рапортлар олинмоқда.

Кончиларнинг мусобақада биринчи сафларда бориши яхши анъана бўлиб қолди. Улар июнь ойининг охирида 100 миллион тонна кўмир чиқариб, графикдан ўзиб кетдилар. Польша шахтёрлари юбилей йилида мамлекат тарихида биринчи марта 200 миллион тонна ёқилғи чиқаришдан иборат янги вазифани ўз олдиларига қўйдилар.

Металлургия заводлари коллективлари, кемасозлар ва машинасозлар, республика экономикаси бошқа тармоқларининг ходимлари ҳам ҳар куни ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

✦ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

ПРАГА. ЧССР Жанубий Моравия областининг Пошторн шаҳридаги «Фосфа» химия заводи коллективи йилнинг биринчи ярми планини ошириб бажарди. Фосфорли кислотани ишлаб чиқарувчи бу замонавий корхона ўтган йили СССРнинг техникавий ёрдами билан барпо этилган. Завод шу йилнинг ўзидаёқ 43 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу эса Чехословакия экономикасининг минерал ўғит ишлаб чиқариш учун ғоят қимматли хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўла равишда таъминлай олади.

● ЯНГИ ЗАВОДЛАР ИШГА ТУШИРИЛМОҚДА

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Баямара шаҳрида катта машинасозлик заводи ишга тушди. Бу ерда ҳар йили 400 миллион лейлик станоклар, асбоблар ва бошқа ускуналар тайёрланади. Бу йил бутун республикада янгидан 800 та саноат ва қишлоқ хўжалик объектлари фойдаланишга топширилади.

● БИНОКОРЛАР БАЙРАМИ

СОФИЯ. Болгария бинокорлари ўз байрамини социалистик мусобақада катта муваффақиятлар билан, кўпгина муҳим халқ хўжалик объектларини ишга туширишлар билан кутиб олмоқда. Ҳар йили бинокорлар кунини республика эришган муваффақиятларнинг ўзига хос кўригига айлантириш яхши анъана бўлиб қолган.

Кейинги вақтлардагина Варна билан Иличевск ўртасида жаҳонда энг катта денгиз пароми сингари муҳим индустрия объектлари, Девна саноат комплексида, Бургас ва Плевенда нефть химияси комбинатларида бир канча янги ишлаб чиқариш қувватлари, энергетика иншоотлари, бошқа бир канча корхоналар ишга туширилди.

(ТАСС).



Никарагуада Сандино номли Миллий озодлик фронти ватанпарварлари ва диктатор Сомоса миллий гвардияси ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Суратда: сандиночилар Манагуа кўчаларида.

АП—ТАСС телефотоси.

НИКАРАГУАДАГИ АҲВОЛ

АҚШ Сомосанинг талвасага тушган режимига ҳарбий ёрдам кўрсатишни давом эттирмоқда. Панамада чиқадиган «Эстрелья де Панама» газетасининг хабар беришича, АҚШ жанубий округининг қўмондонлиги Американинг Панама канали зонасидаги ҳарбий базаларидан 16 июндан 30 июнгача қурол-яроғ, ўқ-дори, шунингдек алоқа воситалари ортилган 17 ҳарбий транспорт самолётини ёрдамга юборган. Шу зонадаги Американинг икки ҳарбий базасида ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий тайёрлиги ғоят кучайтирилган.

Аммо Вашингтон учинчи бир мамлакат, жумладан Исроил орқали ҳам Никарагуа диктаторига қурол-яроғ юбориб турибди. АҚШ давлат департаментининг вакили бонни эътироф этиб, Сомоса билан Тель-Авив ўртасида илгари тузилган шартномаларга мувофиқ бундай ёрдам берилиб турганлигини таъкидлади. Маълумки, Никарагуанинг Атлантика соҳилида жойлашган Кабесас портига Исроилдан «Р-51» маркали 11 та жанговар самолёт келтирилган. Яқинда Лиссабон аэропортида АҚШда рўйхатга олинган «Боинг-707» самолётига Португалиядаги хусусий фирма номидан Сомоса учун қурол-яроғ ортилди.

Таниқлик белгилари йўқ «Геркулес» ҳарбий транспорт самолёти Манагуага авиабомба ва ракеталар келтирди. Мавжуд маълумотларга кўра, АҚШда уя қурган Кубанинг аксилинқилобий унсурларидан иборат минглаб ёлланганлар Никарагуага келиб олганлар.

Агентликларнинг хабарларига кўра, Сомоса олаётган қурол-яроғларни қўзғолончиларгагина қарши эмас, тинч аҳолидан вахшиёна ўч олишларда ҳам ишлатаяпти. Сомосанинг кўрсатмасига биноан, қўзғолончиларнинг позициялари ва аҳоли вахшиёна бомбардимон қилинмоқда ва ўққа тутилмоқда. Диктатор авиацияси Масая шаҳри аҳолиси устига ёниб турган фосфор ташламоқда. Матбуот қурол-яроғларнинг кўпчилик қисмида «АҚШда ясалган» деган тамга борлигини хабар қилади.

Шу муносабат билан обзорчилар Никарагуада қон тўкиш давом этаётганлиги, тинч аҳолига нисбатан ёппасига вахшийлик қилинаётганлиги ва аҳоли қирилаётганлиги учун АҚШ бевосита жавобгардир, деб таъкидламоқдалар. (ТАСС).

АҲОЛИ РЎЙХАТИ ТАМОМ БЎЛДИ

Афғонистон Демократик Республикасида мамлакат тарихида биринчи марта аҳолини ялпи рўйхатга олиш тугалланди. Олинган маълумотлар АДР планлаштириш министрлиги ҳузуридаги марказий статистика бошқармасида ишлаб чиқилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олишда Афғонистон хизматчилари, ўқитувчилари, мамлакат ёшлари, хотин-қизлар ва касаба союзлари ташкилотларининг аъзоларидан иборат 15 мингдан ортиқ актив қатнашди.

Рўйхатга олиш натижалари одам ресурсларини ва аҳолининг турмуш шароитини белгилашга имкон беради, Афғонистонни социал-иқтисодий ривожлантириш сиёсатини илмий асосда планли равишда олиб боришга кўмаклашади.

«Кобул таймс» газетасининг ёзишича, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш манфаатларини кўзлаб халқ ҳукумати амалга оширган бу муҳим тадбир аҳоли турли табақаларининг кенг ёрдами туфайли муваффақиятли ўтди. Бу эса афғон халқи мамлакат раҳбарларининг АДРни ривожлантириш юзасидан белгиланган программасини кенг маъқуллаётганлигини, меҳнаткашлар Апрель революциясига ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга тайёр эканлигини ва шунга қатъий қарор берганлигини тасдиқлайди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЛОНДОН. «Крайслер» компаниясига қарашли автомобиль йиғиш заводининг тўрт мингдан ортиқ ишчиси забастовка эълон қилди. Ишчилар иш ҳақининг оширилиши тўғрисида ўз талабларининг қондирилишини рад этган корхона эгаларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

● ВАШИНГТОН. АҚШда июнь ойида улгуржи нархлар яна ошди. Бу ҳол чакана нархларнинг навбатдаги ошишидан дарак беради.

Энергия ресурслари ғоят тез суръатлар билан қимматлашди. Бензин нархи июнь ойида 3,7 процент, нефть ёнилғиси нархи эса 8,4 процент ошди. Бу эса қиш ойларида ўз оила бюджетларининг ярмини уй-жойни иситиш учун сарфлайдиган американликларга сезиларли зарба бўлиб тушмоқда.

● ТОКИО. Маҳаллий маъмурларнинг хабарига кўра, 9 июлдан бошлаб Токиода ҳамда Япония пойтахти яқинидаги бешта префектурада аҳоли ва корхоналарнинг сувни истеъмол қилиши чекланиб қўйилди. Бу чора узоқ давом этган қурғоқчил об-ҳаво сабабли Канто марказий районида чучук сув запасларининг камайиб кетганлиги билан боғлиқдир. (ТАСС).

МЎЛ ОЗУҚА

Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари гўшт ва сутни кўпайтириш учун курашиб, қувончли ютуқларни қўлга киритишяпти. Давлатга 62 тонна ўрнига 65 тонна бўрдоки гўшти сотилиб, йиллик план ортиғи билан бажарилди. Ҳар бир қорамолнинг вазни 441 килограммни, ҳар чўчқанинг вазни 125 килограммни ташкил этди. 270 тонна сут, 80 минг дона тухум тайёрланиб, ярим йиллик план муддатидан илгари адо этилди.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Колхозда бедачилик йилдан-йилга ривожланяпти, бу қимматли экин майдони 317 гектарга етди, шу йил баҳорда яна 50 гектар ерга беда экилди. Беда ўсимликлари агротехника талаблари асосида парвариш қилиниб, ундан мўл ҳосил олинмоқда. Минг тоннадан кўпроқ сенаж бостирилиб белгиланган план биринчи ўримдаёқ бажарилди. 800 тонна беда пичани ҳозирлаб қўйилди. Беданинг иккинчи ўрими тугалланиш арафасида. Ж. Мадаминов, О. Шарипов, И. Хўжаниёзов каби механизаторлар ўримда жонбозлик кўрсатаётирлар.

Маккажўхоридан юқори ҳосил етиштириш йўлида астойдил кураш олиб борилмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Собир Қаландаров бошлиқ бригада маккажўхорикорлари 74 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон» етказишга аҳд қилишган. Экинга озуқа, сув ва ишлов бериш ўз вақтида, юқори сифатли ўтказилаётир.

Йилнинг биринчи квартали якунига кўра область кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган колхоз чорвадорлари чорва маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш ва кўпроқ озуқа жамғариш учун ғайрат-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШОЛИ ОМБОРЛАРИ

Қўнғиротдаги ғалла қабул қилиш корхонасида дон асрайдиган янги омбор фойдаланиш учун топширилди. Бу омборга 7,2 минг тонна шоли сиғади. Бу ерда энг янги транспортерлар, юк бўшатиш машиналари, тароз механизмлари ўрнатилган. Бу эса донни тез қабул қилиш ва сақлаш учун жойлаш имконини беради. Вентиляция қурилмалари ўрнатилган бўлиб, булар биноларнинг ичида оптимал намликни ва ҳароратни сақлаб туради. Йил охирига бориб корхонада ғалла асрайдиган механизациялашган яна бир омбор ишга тушади.

(ЎзТАГ).

ЮРИСТЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Партия ва ҳукуматимиз совет гражданлари ҳуқуқларини, социалистик умумхалқ давлати манфаатларини, социалистик қонунчиликни муҳофаза қилаётган милиция, суд, прокуратура ва бошқа юстиция органлари фаолиятини такомиллаштиришга ва бу муассасалар ходимлари сафини малакали, муносиб кадрлар билан мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқда.

Бундан икки йил олдин республика Юстиция министрлигининг юридик техникумини ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети томонидан маъқулланиши бу муассасалар фаолиятини такомиллаштириш борасидаги муҳим тадбирлардан бири бўлди. Иттифоқимизда биринчи ташкил этилган Тошкент юридик техникуми юстиция органлари учун ўрта юридик малакали суд ижрочилари, архивариус, ЗАГС ва нотариал идора ходимлари, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларида турли юридик функцияларни бажарувчи лавозимларда ишлайдиган кадрлар тайёрлайди. Улар милиция органлари профилактика ишлари участка инспекторлари, ҳужжат ишларини юритувчилар, паспорт ва ҳужалик ишлари бўйича инспекторлар, архивариуслик каби лаoзимларга тайин этилиши мумкин.

Техникумда 1978-79 ўқув йилида 17 миллат вакилларидан иборат 359 йигит-қиз таҳсил олди. Бу ерда Украина, Россия, Козоғистон, Белоруссия, Туркманистон, Қирғизистон ва иттифоқимизнинг бошқа республикаларидан келган йигит-қизлар ҳам билим олмоқда. Бу йил техникумни 149 йигит-қиз битириб чиқди.

Иттифоқимизнинг олий ўқув юртлари техникум ва билим юртларини тугатаётган 2 миллион мутахассисларга қатори мустақил ҳаёт бўсағасида турган, ўрта малакали ёш юристларга оқ йўл тилаймиз.

У. АБДУСАЛОМОВ,
Тошкент юридик техникумининг директори.

Х. НАЗАРОВ,
ўқитувчи.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЁДГОРЛИК УЧУН «ТЎН»

XIV асрнинг охирлари — XV асрнинг бошларида қурилган Хўжаҳмад Яссавий улуғвор мавзолейнинг деворлари ва гумбазига энди на шаррос ёмғир, на қум бўронлари ва на совуқ зиён етказа олади. Олмаота бинокорлик материаллари илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг олимлари мавзолейни қор-ёмғирдан муҳофаза қилиш учун гидрофоб «тўн» яратдилар. У кремнеорганик бирикмалар тутувчи суюқликдир. Модда қуригач юпқа тиниқ пленка ҳосил қилади ва у кўп йиллар чидайди. Синаш натижалари пленканинг сувдан, температура ўзгаришларидан қўрқмаслигини кўрсатди.

(ТАСС мухбири).

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛМОҚДА

Қорақалпоғистон автоном республикасининг Беруний районида қурилиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилаётир. Кейинги йиллар ичида бу ерда янги-янги кўчалар, кенг равон йўллар ва шинам кўп қаватли уй-жой, маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

Йўлларни янада равон этишда Беруний район автомобиль йўлларини ремонт қилиш участкаси коллективи намунали иш қилмоқда. Ўтган йили план ошириб бажарилди. Пландаги 457 минг сўмлик ўрнига 466 минг 400 сўмлик иш амалга оширилди. Участка коллективи хизмат қиладиган автомобиль йўлларининг узунлиги 246 километрга етказилди, шундан ўн олти километри капитал ремонтдан чиқарилди.

— Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 468 минг сўмлик иш бажаришимиз керак, — дейди участка бошлиғи Тожибой Шомуродов.— Бунинг учун биз иш давомида керак бўладиган барча ашёларни ғамлаб олдик. Озиқлик от хоримас, деганларидек, кўриб қўйган чоратадбирларимиз ишимизнинг самарали бўлишини таъминлади. Ҳозиргача 240 минг сўмликдан зиёд иш бажариб, белгиланган топшириқни 103 процент адо этдик.

Участканинг қўли гул ремонтчилари райондаги колхоз ва совхозлар ўртасидаги йўлларнинг барчасини деярли асфальтлаштириб қўйдилар. Улар йил охиригача яна 228 минг сўмлик иш бажариш учун бутун куч ва имкониятлардан кенг фойдаланиб меҳнат қилаётирлар.

Р. ЎТАМУРОДОВ.

Суратларда: (чапдан). 1. Участка бошлиғи Т. Шомуродов автогрейдерчилардан Аллаёр Беккиёзов билан Сафарбой Турумбетовларга қилинадиган ишлар тўғрисида кўрсатма бераётир. 2. Қишлоқ йўлларини асфальтлаш пайти.

Автор фотолари.

ПАБЛО НЕРУДА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ЯЛОВБАРДОР ШОИР

Пабло Неруда йигирма бир мамлакатни ўз ичига олган Лотин Америкаси революцион адабиётининггина байроқдор шоири бўлиб қолмасдан, айни чоғда у XX асрнинг яловбардор шоирларидан биридир. Пабло Нерударинг Умумжаҳон тинчлик Совети томонидан «Фредерик Жолио Кюри номидаги тинчликнинг олтин медали» билан (1950), «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш» Халқаро Ленин мукофоти (1953) ва Нобель мукофоти (1971) билан тақдирланиши унинг маданият ва жамоат арбоби сифатида жаҳон халқлари тақдирида тутган катта ўрнини тасдиқловчи ёрқин мисолдир. У поэзия билан ижтимоий фаолиятни бир-бири билан жипс боғлаб, халқ тақдири, инсоният бахти учун хизмат эттирган ёрқин сиймо поэзияни яшаш ва кураш қуролига айлантирган даҳодир.

«Ғам чекиш ва кураш олиб бориш, севиш ва қўшиқ қўйлаш менинг зиммамга тушди, — деб ёзганди Пабло Неруда, — Ғалаба қилиш ва мағлубиятга учраш менга насиб бўлди. Мен нон ва қон таъмини тетиб кўрдим. Шоирга яна нима тилаш мумкин? Ҳамма ҳолатлар барча қарама-қаршиликлар, йигирдан тортиб то бўсағача, танҳоликдан халқ билан бирлашишгача — ҳаммаси менинг шеъриятимда фаол ҳаёти билан яшайди, чунки менинг ўзим шеърият учун яшадим ва шеърим менга курашда суянчиқ бўлди».

Чилидан Пабло Неруда ўткир, жанговар сиёсий лириканинг ўлмас намуналарини яратди, ва шундай лирика учун актив кураш олиб борди. У кескин равишда «Фақат поэзия душманларигина ундан бизнинг кундалик ноними бўлмиш кураш ғоясини чиқариб ташлайди. Бизга чегара чизиб бермоқчи бўлганлар шеъриятнинг ҳамма биносини бузмоқчи истейдилар. Сиёсий мулоҳазалардан келиб чиқиб шеъриятни сиёсатдан ажратаётганлар қўшиқни, мангу қўшиқни сўндирмоқчи бўлдилар», дейди. Пабло Неруда жаҳон халқларни тақдири, уларнинг аҳволи, ғам-ғуссаси, орзу идеали ва душмани бир хил эканлигидан келиб чиқиб жаҳон прогрессив ёзувчиларини бирлашишга ва инсоният душманларига қарши бир ёқадан бош чиқариб актив курашишга чорлади. Унинг 1937 йилда ёзувчиларнинг Халқаро конгресси минбаридан туриб «Бутун дунё ёзувчилари, барча мамлакатлар халқлари билан бирлашингиз!» деган шиорни ўртага ташлаши жаҳон маданияти ва жаҳон халқларининг революцион фаолияти тарихида муҳим воқеа бўлди.

Пабло Нерударинг жаҳон халқлари тақдири бир-бири билан туташ, бир-бири билан боғлиқ эканлигини ва уларнинг кураш йўли, мақсад—идеалининг ягона эканлигини чуқур ҳис этиши 1927 йилларидан бошланди. У шу вақтгача Чили халқининг оғир аҳволидан куюнган бўлса, кейин Осиё, Жанубий Африка, Европанинг кўпгина мамлакатларида дипломатик хизматда бўлган чоғларида ва саёҳат пайтларида меҳнаткашлар оммасининг фожиали тақдирини кўриб чексиз газабга тўлди. Шу вақтгача муҳаббат мавзуидаги шеърлари билан шуҳрат тараттан шоир энди «Маконимиз — замин» деган икки китоби билан ўз юртидан ташқарисида ҳам шуҳрат қозона бошлади. У Испанияда элчи бўлиб турган вақтларида (1934-37) фашизмнинг ваҳшийлигини ва испан халқининг жасоратини ўз кўзи билан кўрди. У «Қалбдаги Испания» китобида фашизмга нисбатан кескин газабни жуда кескин ифодалади ва испан халқининг озодлик учун мардона курашини эҳтирос билан тасвирлади. «Ер қон билан суғорилди, суякларни олов кемирди, нон ўрнига юртга кўз ёши олиб келган босқинчиларга лаънатлар!» деб ҳайқирган Пабло Неруда шу китоби билан озодлик ва демократиянинг жанговар жарчиси сифатида танилди. Пабло Неруда: «Мен шоир ва мен камбағал ўғлиман, камбағаллар нинг, юртимдаги, ҳар бир мамлакатдаги барча камбағаллар нинг жигериман», дер экан, буни ҳар бир асари билан тўла исботлади. Чили адабиётида янги даврни бошлаб берган Пабло Нерударинг «Умумий қўшиқ» (1950) номли катта поэмаси жаҳон поэзияси тарихида ҳам муҳим воқеа бўлди. Ун беш боб, яъни ўн беш поэмадан ташкил топган бу замонавий эпосда Пабло Нерударинг шу асарни ёзганча бўлган барча шеъриятининг синтези ётади. Пабло Неруда ҳукумат айғоқчиларидан яшириниб юрган пайтида яратган бу йирик асарида Лотин Америкаси халқининг кураш тарихий кенг эпик планда ёритади. Лирика билан эпика жипс қўшилиб кетган бу асарда Пабло Нерударинг дунё воқеаларини фалсафий — публицистик пардада ғоят теран бадиий таҳлил этиши намоён бўлган. Унда халқ қудрати, революционерлар жасорати, озодлик ғояси куйланади, халқнинг порлоқ эртанги кунга бўлган умид-ишончи ифодаланади, эксплуататорлар фош этилади. Асарнинг оҳанги шу қадар бой, ранг-баранги, унда гўё инсон ва табиатдаги барча ҳолатлар, барча оҳанглар, барча кайфиятлар ўрин олгандай. Пабло Неруда инсон қалби ва табиатдаги ранго-ранг оҳангни, кайфиятни бериш учун сарбаст вазнга, жонли сўзлашув тил шаклига мурожаат этади: Шоир «Узумзорлар ва шамол», «Оддий нарсалар қасидаси» (уч томли), «Сузишлар ва қайтишлар», «Севги ҳақида юзта сонет», «Қора орол ёдгорлиги» каби ўнлаб шеърий китобларида боқий ҳаёт, инсон умри, вақтнинг тезкорлиги, яхшиликлар ва инсонийликнинг илдизлари дўстлик қудрати, келажакнинг муқаррарлиги ва ёмонлик сабабларини чуқур таҳлил этди. Табиат билан инсоннинг бирлигини Пабло Нерудадай чуқур ва эҳтирос билан куйлаган ижодкор кам. У табиат оламига тирик мавжудотдек қарайди ва инсонни унинг бир бўлаги, деб билади. Космик кенгликда фикрловчи ва оламни ўзаро алоқада идрок этувчи шоир: «мен оламнинг кичик парчасиман», дейди. Планетамиз неча бор қонга чўктирилди ва унинг ярасида неча бор гуллар ўсиб чиқди, деб туриб: «Болалар, яна ўлдириш ва ўлиш учун, гулзорни қонга бўяш учун тайёрланинг», деб аччиқ кесатади. Пабло Неруда етмиш тўрт бобдан ташкил топган «Саволлар китоби»да коинот ва планетамиздаги нарсалар, воқеа ва ҳодисалар, одамлар тўғрисида шундай кутилмаган ўткир ва доно саволларни ўртага ташлайдики, шоирнинг теран файласуфлиги, ўткир кузатувчилиги, доно сиёсатчилигига қойил қолмасдан иложингиз йўқ.

Пабло Неруда фашизмнинг ашаддий душмани эди. Шоирнинг Гитлерга бўлган чексиз нафрати Улуғ Ватан уруши йиллари совет халқининг Сталинграддаги жасоратига бағишланган икки қасидасида ёрқин ифодаланади. Ленин ғоясидан, Улуғ Октябрь ғалабаси ва мамлакатимизда қарор топган социализмдан илҳом, мадад, куч олган Пабло Неруда ўз асарларида совет кишиларини, биринчи навбатда Ленинни, Коммунистик партияни ва коммунизм ғоясини меҳр билан куйлади. У «Сталинградга муҳаббат қўшиғи» (1942) ва у ердан фашист босқинчилари суриб чиқарилгандан кейин ёзган яна шу номдаги қўшиғида совет халқининг чексиз ирода ва мислсиз жасоратини улуғлади, «ҳаёт ўлимни енгди!» деб бонг урди.

Пабло Неруда совет мамлакатида жуда кўп марта бўлди. И. Эренбург, Н. Ҳикмат, К. Симонов, С. Кирсанов, жумладан Ғ. Ғулом билан танишди. Пабло Нерударинг вафотидан кейин нашр этилган «Денгиз ва кўнгироқлар», «Яққа етир гул», «2000», «Саволлар китоби», «Сариқ юрак», «Қишки боғ», «Тан оламан, мен яшадим» каби китоблари билан бирга «Элегия» тўплами ҳам нашр этилди. Шу «Элегия» асари бутунлигича совет воқелиги ва шоирнинг Ватанимиздаги дўстларига бағишланган.

Пабло Неруда бизнинг республикамизда ҳам бир неча бор меҳмон бўлган, Ғафур Ғулом, Ойбек, Яшин, Зулфия, Ҳамид Ғулом каби ёзувчиларимиз билан мулоқатда бўлган, улар билан Самарқанд, Бухорони томоша қилган. Бозорни айланишни ғоят ёқтирадиган Пабло Неруда Тошкентдаги бозорга бориб, хонаки бир рассом чизган оққуш тасвирланган гиламчани сотиб олиб кетади. Ҳамроҳлари бундан ҳайрон бўлади. Аслида Пабло Неруда оққушни жуда севар эди. Ёшлигида у бино қўйган никарагуалик машҳур гуманист шоир Рубен Дарио терафдорлари ўзлари учун гўзаллик рамзи бўлмиш оққушни герб қилиб олган эди. Пабло Нерударинг ёшлиги ҳақидаги хотирасида ёмон одамларнинг Буди кўлидаги оққушларни ўлдирганини кўриб ачинган, чала ўлик бир оққушни боқканини ва охири унинг ёлғизлик ғамидан ҳалок бўлганини ачиниб ёзади. Эҳтимол, Тошкентда кўрган оққуш расми ўша ёшлик йилларини эслатгандир...

Пабло Нерудани, унинг асарларини ўзбек халқи яхши билади. Ўзбек халқининг давримизнинг буюк революционер шоирига бўлган катта муҳаббати сўнмас ва умри боқийдир.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

1979—1980 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ—ижтимоий-сиёсий адабиётлар кутубхонашунослиги ва библиографияси, бадиий адабиёт ва санъатга доир адабиётлар кутубхонашунослиги ва библиографияси, болалар адабиёти кутубхонашунослиги ва библиографияси, техникага доир адабиётлар кутубхонашунослиги ва библиографияси ихтисослари бўйича ҳам оммавий кутубхоналар учун олий малакали кутубхоначи ва библиографларни тайёрлайди.

МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ФАКУЛЬТЕТИ — клуб ишларининг ташкилотчи-методисти, ҳаваскорлик театри коллективининг раҳбари, ҳаваскорлик хор коллективининг раҳбари, халқ чолғу асоблари оркестрининг раҳбари, ҳаваскорлик духовой оркестрининг раҳбари, ҳаваскорлик эстрада оркестрининг раҳбари (аккордион ва баян чолғу асобларидан ташқари) ва ҳаваскорлик рақс коллективининг раҳбари ихтисослари бўйича олий малакали клуб ходимларини тайёрлайди.

ҲАММА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ— 4 ЙИЛ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: ихтисослик бўйича (маданий-оқартув факультетига кирувчилар учун), она тили ва адабиёти (ёзма ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки), чет тили (кутубхонашунослик факультетига кирувчилар учун).

Маданий-оқартув факультетига кирувчилар учун мутахассислик бўйича имтиҳон икки бўлимдан коллоквиум (махсус суҳбат) ва ихтисосдан имтиҳон (амалий вазифаларни ҳал этиш ва ижро қилишдан иборат бўлади.

Коллоквиумда абитуриентнинг сиёсий ва умуммаданий савияси, унинг Коммунистик партия фаолияти ва сиёсатидан, санъат ва адабиёт масалаларидан хабардорлиги, клуб ишларининг асосий шакл ва методларини билиши аниқланади.

ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИМТИҲОН:

клуб ишларининг ташкилотчи-методисти ихтисослигига кирувчилар — маданият муассасалари ёки жамоат ташкилотларидан бирида иш тажрибасига эга бўлиши керак. Абитуриентлар клубда ташкил қилинган бирор тадбирга ёзма тақриз ёки оммавий байрам сценарийсини ёзма равишда топширишлари лозим. Бундан ташқари, ашула, айтиш ва рақсга тушишни, бирор музика асбобини чалишни, клубда турли суҳбатлар ўтказишни ва оммагий ўйинлар ташкил қилишни, афиша ва таклиф билетининг эскизини чизишни, маълум санага концерт программасини тузишни билишлари ҳамда кўрсатишлари шарт.

Ҳаваскорлик театри коллективининг раҳбари ихтисослигига — драматик тўгарак ва ҳаваскорлик театрларида иш малакасига, зарурий ижодий лаёқатга эга бўлган, театр ва драматургия масалаларидан хабардор бўлган кишилар қабул қилинади. Абитуриентлар драматик асарнинг режиссёрлик таҳлилини ёзма равишда топширишлари керак. Имтиҳон вақтида улар ижровиацион этюд бажаришлари, монолог, ҳикоя, масал ва шеър ўқиб беришлари лозим.

Ҳаваскорлик хор коллективининг раҳбари ихтисослигига кирувчилар — музика соҳасида зарур тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Улар ўзи тайёрлаган музика программаси асосида ашула айтиши ва дирижёрлик қилиши, фортепьянода музика асарларини чалиши, сольфеджиодан (оғзаки) синовдан ўтишлари керак.

Ҳаваскорлик халқ чолғу асоблари оркестрининг раҳбари, ҳаваскорлик духовой оркестрининг раҳбари, ҳаваскорлик эстрада оркестрининг раҳбари ихтисослигига кирувчилар — музика соҳасида зарур тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Улар ўз мутахассислиги бўйича танлаган музика асбобида программа ижро этиш, дирижёрлик қилиши ва ижро этилган асарни таҳлил қилиши, фортепьянода музика асари чалиши, сольфеджиодан (оғзаки) синовдан ўтишлари керак.

Ҳаваскорлик рақс коллективининг раҳбари ихтисослигига кирувчилар — рақсга тушиш лаёқатига эга бўлган, бадиий ҳаваскорликда фаол қатнашган кишилар қабул қилинади. Абитуриентлар классик ёки халқ ўйинларини ижро этиши, топширилган темага ўйин қўйиши ва уни таҳлил қилиб бериши лозим.

ИНСТИТУТГА КИРИШ УЧУН АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Қирувчилар институт ректори номига ёзилган ариза билан қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), хизмат жойидан характеристика — иилланма, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат (бош кийимсиз), меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Институт адреси. 700164, Тошкент шаҳри-164, Високовольтний массиви, 3-сектор, 127-«а»-уй (4, 17, 19, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Маданият институти» остаки). Телефонлар: 62-03-23, 62-03-24, 62-38-44, 62-28-07, қабул комиссияси.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ

1979—1980 ўқув йили учун

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт турлари бўйича тренерлар тайёрлайди.

Институтда кундузги бўлим ва сиртдан ўқиш факультети бор.

Кундузги бўлимда педагогика ва спорт факультетлари мавжуд.

ИНСТИТУТГА ҚУЙИДАГИ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

педагогика факультетига — енгил атлетика, гимнастика, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, футбол, сузиш, теннис.

спорт факультетига — енгил атлетика, гимнастика, оғир атлетика, бокс, кураш (классик, эркин, самбо, дзю-до, миллий кураш), велоспорт, қиличбозлик, сув спорти турлари (сузиш, сув тўпи ва сувга сакраш, эшкак эшиш), чавандозлик спорти.

Педагогика ва сиртдан ўқиш факультетларига кирувчилар ўзлари танлаб олган спорт турлари бўйича разряди III; спорт факультетига II дан кам бўлмаслиги керак.

Ўқиш муддати: кундузги бўлимда — 4 йил, сиртдан ўқиш факультетида — 5 йил

Институтнинг кундузги бўлимига ўрта маълумотли, ёши 35 гача бўлган ҳар иккала жинсдаги СССР гражданлари қабул қилинади.

Сиртдан ўқиш факультетига ўрта физкультура маълумоти бўлган ёки физкультура ва спорт соҳасида ишловчилар қабул қилинади (ёш чекланмайди).

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади: мутахассислиги (ўзи танлаб олган спорт тури), умумий жисмоний тайёргарлик, химия (оғзаки), биология (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (ёзма).

Институтга қабул қилинганлар табелда кўрсатилган спорт формаси ва умумий қоидага мувофиқ давлат стипендияси билан таъминланади.

Ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 3х4 см. катталикдаги 7 та фотосурат, медицина кўригидан ўтганлиги тўғрисидаги 286-формадаги справка, янги ГТО комплекси нормативларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, классификация билет (спорт разряди мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат), меҳнат дафтарчасининг нусхаси, охирги иш ёки ўқиш жойидан характеристика.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача; студентлар составига киритиш 21—25 август кунлари ўтказилади.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 95-уй.

Ж. ОБИДОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТАМАКИ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДА

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ

машинист-регулировначилар (операторлар), **сигарет ишлаб чиқариш автоматик линиялари машинистларини тайёрлайдиган**

ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

ЎҚИШГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — бир йил. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Стипендия — 30 сўм, Совет Армияси сафидан қайтганларга 70 сўм тўланади.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирганлар корхона ҳисобидан озиқ-овқат саноатининг олий ўқув юртларига ўқишга юборилядилар.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри-84, Киров район, Хуршид кўчаси, 45-уй (56, 88-автобуслар нинг «Семашко номли институт» бекати). Телефонлар: 35-52-12, 35-61-09.

Қаршн шаҳар Қашқадарё посёлнасидаги

130- ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—1980 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ РЕСПУБЛИКАНИ ВА УН МАҲСУЛОТЛАРИ КОМБИНАТЛАРИГА, МУБОРАК ГАЗ ОЛТИН ГУГУРТ ЗАВОДИ ВА ҚАРШИ ДРЕНАЖ ҚУРУВЧИЛАРИ ЗАВОДИ ВА БОШҚА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС — ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАДИ.

Тегирмон - жиҳозлари ва омухта озуқа ишлаб чиқариш цехларининг мастерлари, жиҳозлар ва автоматик линияларни созлаш мастери, қурилиш сопол буюмлари қолипчиси, дурадгорлар, электрчилар, сантехниклар, киномеханиклар, газ операторлари (юқорида қайд этилган мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати бир йил), товаршунослар, оператор-товаршунослар, лаборантлар (қизлар учун), автокранчилар (ўқиш муддати — 3 йил).

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қошида ташкил этилган «Бунёдкор» ансамбли мунтазам равишда ишлаб турибди. 10 синфни битирганларга 30 сўмдан стипендия берилади.

ҲУЖЖАТЛАР 31 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, мактаб ёки иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти адреси: Қарши шаҳри, Қашқадарё посёлкаси, ТУ—130. Поезд йўлида. «Қашқадарё» станцияси. Автобусда «Каршистрой» бошқармаси — Мелькомбинат» (3-маршрут).

Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги

4-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТНИНГ

165-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КОЛОННАСИГА

Тошкент область районларида, Янгийўл, Термиз, Қарши, Жиззах, Урганч шаҳарларида ишлаш учун ҳисоблаш бўлими бухгалтери, материал бўлимининг катта бухгалтери, тунукачилар, бўёқчилар, сувоқчилар, том ёпувчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли. 1,15 дан 1,30 процентгача коэффициент қўшиб тўланади.

Елгизлар квартира билан таъминланади, оилалилар навбатн билан квартира оладилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, Саадий кўчаси, 27-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг полимерлар химияси бўлими коллективи кичик илмий ходим Ж. Аллаевга укаси

Жўрақул АЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Орлёнок. 10.50— Аривик. Бадиий фильм. 12.20 — Концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Скиппи. Бадиий фильм, 7-8 серия лар. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 18.30 — Поэзия. П. Неруда туғилган куннинг 75 йиллигига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Қувноқ ноталар. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Концерт. 20.35 — Театр ҳақида ҳикоялар. 21.30 — Вақт. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Спартак» (Москва). 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Спектакль. 12.15 — Л. Н. Толстой. Балогат ёши. Спектакль. 2-қисм. 13.15 — Чармтўп соврини учун футбол бўйича республика мусобақалари. 13.45 — Ҳур қизлар. Бадиий фильм. 2-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Иккинчи она тилимизни ўрганамиз. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Минск). Танаффус пайтида ахборот. 21.15 — Ахборот. 21.30 —Вақт. 22.00 — Ёзувчилар пахта далаларида. Самарқанд матонати. 22.40 — Осетия афсонаси. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Фильм-концерт. 19.10 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм, 14-серия. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Реклама. 21.40 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ куйларидан концерт. 12.00 — Узбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 13.30 — С. Ротару ва Н. Соловьев куйлайди. 14.00 — Сифат белгисига сазовор бўлган далалар. 18.30 — Аҳолига граждан мудофаси ҳақида. 18.40 — Ешлик. 19.45 — СҚЧ-2нинг реалдиги ва конкретлиги. 20.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. Пахтакор — Динамо (Минск). 21.15 — Китобсеварлар радиоклуби. 21.35 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28 — Мақом кечаси. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат —33-20-36, 32-54-35 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; қатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-85-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 8-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02109. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 158.